2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 236 (1835), 2026 йил 13 ноябрь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ФАОЛИЯТИ ВА ҚУВВАТЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 12 ноябрь куни Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг жорий фаолияти ва қувватларини кенгайтириш бўйича режалар юзасидан тақдимот билан танишди.

1997 йилда ишга туширилган завод мамлакатимиз ёқилғи-энергетика тармоғида муҳим ўрин тутади. Корхона йилига 2,5 миллион тонна нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш лойиҳавий қувватига эга. Бу ерда автобензин, дизель ёнилғиси, авиакеросин ва бошқа турдаги нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Заводда 3,2 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда.

Тақдимотда корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичлари ҳақида ахборот берилди. Жорий йилнинг тўққиз ойида 1,5 миллион тоннадан зиёд хомашё қайта ишланиб, қарийб 1,5 миллион тонна нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Соф фойда 2,2 триллион сўмни ташкил этган.

Йил якунига қадар хомашёни қайта ишлаш ҳажмини 2,17 миллион тоннага, нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни эса 2,12 миллион тоннага етказиш режалаштирилган.

Корхонани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва юқори сифатли ёқилғи турларини ўзлаштиришдир.

Хусусан, заводда Евро-5 экологик стандартига жавоб берадиган АИ-92 ва АИ-95 русумли автобензин ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича қиймати 328 миллион долларлик лойиҳа ишлаб чиқилган. Унинг доирасида мавжуд технологик жараёнларни такомиллаштириш ва янги ишлаб чиқариш қурилмаларини барпо этиш кўзда тутилган.

Лойиҳа амалга оширилиши натижасида йилига 1,1 миллион тонна Евро-5 стандартидаги автобензин ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Шунингдек, импорт қилинадиган ёқилғи қўшимчалари харажатларидан йилига 150 миллион долларгача маблағ тежалиши ва 200 та янги иш ўрни ташкил этилиши кутилмоқда.

Режага кўра, лойиҳани 2029 йилнинг иккинчи чорагида ишга тушириш мўлжалланган.

Тақдимотда заводнинг ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтириш бўйича истиқболли лойиҳа ҳам кўриб чиқилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, қиймати 1,8 миллиард доллар бўлган ушбу лойиҳа доирасида нефтни замонавий қайта ишлаш ва нефть-кимё технологияларини жорий этиш, янги технологик қурилмаларни барпо қилиш режалаштирилган.

Натижада заводда ишлаб чиқариладиган нефть маҳсулотларининг умумий йиллик ҳажмини ҳозирги 2,1 миллион тоннадан 4,6 миллион тоннага етказиш имконияти пайдо бўлади. Жумладан, автобензин ишлаб чиқариш 2,7 миллион тоннага, дизель ёнилғиси 1,24 миллион тоннага, авиакеросин 500 минг тоннага етказилиши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, бензол ва бошқа нефть-кимё маҳсулотларини ўзлаштириш, хомашёни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қиймат яратиш имкониятлари кенгаяди.

Лойиҳани амалга оширишда Хитой, Франция, АҚШ ва Озарбайжоннинг етакчи технологик компаниялари билан ҳамкорлик қилиш кўзда тутилмоқда. Қурилиш ишларини 2028 йилда бошлаш мўлжалланган.

Тақдимот давомида лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги, замонавий технологияларни жалб қилиш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ҳамда юқори сифатли ва рақобатбардош нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎзА

УЛУҒ МАҚСАДНИ КЎЗЛАБ БИРЛАШМОҚ САОДАТИ



Халқимиз катта мақсад — янги Ўзбекистонни яратиш орзуси атрофида бирлашди. Бу йирик тарихий жараён, катта ҳодиса ҳисобланади. Тарихдан маълум, катта нуфусга эга халқни бирлаштириш осон эмас. Бугун Ўзбекистон халқи 40 миллионга яқинлашмоқда. Бу ана шунча дунёқараш, шунчалик турфа орзу ва интилиш дегани. Уларни бир мақсад — ягона ватан, бир бутун халқ сифатида бирлаштириш учун мамлакатдаги ислоҳотлар инсон қадрини улуғлаш орқали элни рози қилишга қаратилган бўлиши керак.

Мамлакатимиздаги ислоҳотлар ҳисобот ёки чиройли рақамлар учун эмас, реал вақт режимида халқни рози қилиш мақсадида бажариляпти. Ислоҳотлар тўхтаб қолгани йўқ. Давлатимиз раҳбари мунтазам равишда соҳалар, ҳудудлар кесимида жараённи таҳлил этиб, мавжуд масалаларга ечим кўрсатяпти. Бундай ёндашув халқимиз қалбида эртанги кунга ишончни мустаҳкамлаб, олға интилишга куч беряпти.

Президентимиз Бухоро вилоятига ташрифи чоғида: **“Бухоро иқтисодиётига, одамларнинг кундалик ҳаётига ижобий ўзгаришлар олиб кирадиган 30 миллиард долларлик янги ташаббуслар билан келганмиз”,** деди.

Бу жуда катта рақам. Битта вилоятга шунча маблағ йўналтириш ортида заҳматли меҳнат, кучли ирода ва муҳими, эртанги кунга ишонч борлигини яхши англайман. Чунки муайян муддат вилоят ҳокими бўлиб фаолият юритганман. Қолаверса, халқаро майдондаги глобал иқтисодий тебранишлар яхши маълум. **Шундай фурсатда маррани баланд олиш, халқим томондаман деган қатъий ирода билан мамлакат тараққиёти учун хизмат қиладиган ислоҳотларни амалга ошириш асл қаҳрамонликдир!**

Давлатимиз раҳбари вилоятимизга ташрифи чоғида илгари сурган ташаббус ва янги имкониятлар сабаб Бухоро мутлақо янги даврга қадам қўйди. Ҳар бир янгилик, ташаббус халқимиз қалбига чексиз қувонч олиб кирди.

Бухороликларнинг оғриқли масалаларидан бири тоза ичимлик сув. Кейинги йилларда бу борада катта ишлар бажарилди. Энди бу ислоҳотлар янада жадаллашадиган бўлди. Вилоятда марказлашган ичимлик сув билан қамров ҳозирги 80 фоиздан 95 фоизга етказилади.

Ким учундир мана шу 15 фоиз фарқ унча катта кўринмаслиги мумкин. Лекин бунинг ортидан қанча инсоннинг турмуш тарзида ижобий ўзгариш бўлишини таҳлил қилсангиз, нечоғлик катта марра кўзланганини англайсиз. Масалан, лойиҳалар амалга ошгач, 1,7 миллион аҳолининг сув таъминоти яхшиланади. Айниқса, сувни кутаётган 55 та маҳалла бўйича аниқ муддатларни белгилаш ва ишларни тезлаштириш топширилди. Ислоҳот кўламини янада яхшироқ тасаввур қилишингиз учун айтмоқчиманки, бу битта катта шаҳарни 100 фоизгача тоза ичимлик сув билан таъминлаш дегани.

Давоми 3-бетда

КИЧИК ХАЛҚ ПСИХОЛОГИЯСИДАН БУЮК ХАЛҚ ТАФАККУРИ САРИ

Узоқ йиллар Ўзбекистонга четдан ёпиқ мамлакат сифатида қаралди. Хорижий матбуотда юртимиз номи кўпинча муаммолар билан ёнма-ён тилга олинар, сармоядор ва сайёҳлар бизга келишдан чўчирди. Бизни ўз муаммоларидан ўзи чиқа олмайдиган, ташқи дунёдан узилиб қолган халқ сифатида кўришарди.

Янги Ўзбекистон руҳи

Бугун манзара тубдан ўзгарди. 2016 йилда юртимизга 2 миллион хорижлик сайёҳ келган бўлса, 2025 йилда 11,7 миллионга етди. Хорижий инвестиция ҳажми 2017 йилдаги 14 миллиард доллардан 2025 йилда 43,1 миллиард долларни ташкил этди. Дунё бугун Ўзбекистонга муаммолар ўлкаси эмас, имкониятлар мамлакати ва тенг ҳамкор сифатида қарамоқда.

Аммо бир савол мени кўпдан буён ўйлантиради: дунё бизга бошқача қарай бошлади, биз-чи? Биз ўзимизга қандай қараймиз?

Масала шундаки, халқнинг буюклиги аҳолиси сони эмас, тафаккури билан ўлчанади. Миллионлаб аҳолига эга халқ ҳам ўзини кичик ҳис қилиши, беш миллионлик халқ эса дунёга ўз кун тартибини таклиф қилиши мумкин. Фанда бу ҳолат “кичик халқ психологияси” деб аталади. Унинг илдизлари, аломатлари ва давоси яхши ўрганилган. Уларни билсак, ўзгаришни тасодифга эмас, онгли танловга айлантира оламиз.

“Кичик халқ” дегани нима?

Бу тушунчани илмий муомалага икки мутафаккир олиб кирган. Венгер файласуфи Иштван Бибо 1946 йилда ёзган “Шарқий Европа кичик давлатларининг қашшоқлиги” асарида бир қонуниятни кўрсатди: узоқ йиллар ўз мавжудлиги учун қўрқиб яшаган халқларда сиёсий маданият бузилади.

Бундай жамият ҳар бир тортишувда “яшаб қолиш” масаласини кўради ва “тарихий жазава” ҳолатига тушади.

Давоми 2-бетда

Меҳрли сиёсат

“ИМКОН” МАРКАЗИ — БОЛА ИМКОНИЯТИНИ ОЧУВЧИ БАХТ КАЛИТИ



6

ЭНЕРГЕТИКАДА БАРҚАРОР КЕЛАЖАК

қатъиятли қарор ва самарали меҳнат билан яратилади

Бугун дунё энергетикаси мураккаб ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда. Энергия ресурсларига талаб, геосиёсий жараёнлар, технологик рақобат ва экологик талаблар ҳар бир мамлакат олдига ўз энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ва соҳани янги тараққиёт босқичига олиб чиқиш вазифасини қўймоқда.

Бундай шароитда нефть-газ саноати келажаги фақат мавжуд конлардан қанча маҳсулот олиш эмас, балки эртанги кун захираларини бугундан яратиш, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жалб этиш, хомашёни чуқур қайта ишлаш ва иқтисодий самарадорликни таъминлаш билан белгиланади.

Мамлакатимизда нефть-газ соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, технологик ва иқтисодий салоҳиятини оширишга қаратилган кенг кўламли жараёнлар кечмоқда. “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамиятида жорий йил бошидан буён кечаётган ўзгаришлар ҳам айнан шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

2026 йилнинг дастлабки тўққиз ойи натижаларига назар ташлар эканмиз, эришилган кўрсаткичлар билан бирга соҳанинг келгуси ривожи учун муҳим бўлган янги имкониятлар шаклланаётганини кўрамиз.

Геология-қидирув ишларидаги фаоллик, қудуқларни тиклаш, бурғилаш салоҳиятини ошириш, маҳсулот турларини кенгайтириш ва молиявий бошқарувни такомиллаштириш бир-бири билан узвий боғлиқ жараёнлардир.

Эртанги захиралар бугунги изланишлардан бошланади

Нефть-газ саноатида барқарорликни таъминлашнинг биринчи шарти — ишончли хомашё базаси. Мавжуд конларда табиий пасайиш кузатилаётган бир пайтда янги захираларни аниқлаш, чуқур қатламларни ўрганиш ва истиқболли майдонларни саноат ўзлаштиришига тайёрлаш стратегик аҳамият касб этади.

Давоми 4-бетда



Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан Президентимиз кейинги ўн йилликни янги Ўзбекистон учун миллий юксалиш даври деб эълон қилди. Бу моҳиятига кўра буюк тарихий мақсаддир. Аммо миллий юксалиш фақат иқтисодий кўрсаткичлар эмас, тафаккур ўзгариши билан бошланади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 13 ноябрь, 236-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Янги Ўзбекистон руҳи

КИЧИК ХАЛҚ ПСИХОЛОГИЯСИДАН БУЮК ХАЛҚ ТАФАККУРИ САРИ



Бобур БЕКМУРОДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
“Юксалиш” ҳаракати раиси

Бошланиши 1-бетда

Чех ёзувчиси Милан Кундера эса 1983 йилда энг машҳур таърифни берди: кичик халқ бу — мавжудлиги исталган пайтда шубҳа остида қолиши мумкин бўлган ва буни биладиган халқ.

Демак, гап аҳоли сони ҳақида эмас. Гап халқнинг ўзига қандай қараши, келажакка қандай ишониши ва бошқалар олдида ўзини қандай тутиши ҳақида.

Психология бу ҳолатнинг механизмини ҳам очиб берган. Америкалик олим Мартин Селигман 1967 йилда исботлади: узоқ вақт вазиятни ўзгартира олмаган мавжудот кейинчалик имконият пайдо бўлганда ҳам уриниб кўрмайди. Олим буни “ўрганилган чорасизлик” деб атади. Бошқа бир таниқли психолог Альберт Бандура эса бунинг аксини кўрсатди: жамоа биргаликда мақсадга эриша олишига ишонса, кўпроқ ҳаракат қилади ва кўпроқ натижага эришади. Бу ишонч сўздан эмас, кичик, аммо ҳақиқий ғалабалар тажрибасидан туғилади.

Бир сўз билан айтганда, тафаккур тақдир эмас. У тажриба орқали шаклланади ва тажриба орқали ўзгаради.

Ўзбекистон узоқ йиллар давомида буюк халқ тафаккурига ўта олмади. Бунинг сабаби халқимизнинг қобилиятида эмас, тарихида.

Асрлар давомида халқимиз бир неча давлатга бўлиниб яшади, узоқ вақт эса ўз тақдирини ўзи белгилаш имкониятидан маҳрум бўлди. Муҳим қарорлар бошқа жойда қабул қилинар, меҳнатимиз ва бойликларимиз бошқалар эҳтиёжига хизмат қиларди. Миллат ойдинларининг кўпи қатағон қурбони бўлди, ўтмиш билан алоқа неча бор узилди. Бундай синовлар халқ хотирасида чуқур из қолдирди.

Мустақилликдан кейин ҳам мамлакат узоқ вақт ёпиқ қолди. Валюта эркин алмаштирилмади, қўшнилар билан чегаралар ёпиқ эди, инсон “прописка” деган муҳр билан бир жойга боғлаб қўйилган, ҳадиксираш ва ишончсизлик устун эди.

Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов ҳолатни бундай таърифлайди: “Ўзбекистоннинг давлат сифатида миллий “ким”лигидан бўлак ҳамма нарсаси бор эди. Унинг қалби — ўзлиги йўқ эди”.

Бундай шароитда авлоддан авлодга ғалаба тажрибаси эмас, “бизга ҳеч нарса боғлиқ эмас” деган туйғу ўтди. Селигман айтган ўрганилган чорасизлик айнан шундай шаклланади.

Бурилиш қандай бошланди?

Бугун эса бу психологик тутқунлик ҳолатидан чиқиш учун барча шарт-шароитлар бор. 2016 йилдан Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бошланган ислоҳотлар халққа энг муҳим нарсани — ўзгариш мумкинлиги ғоясини берди.

2017 йилда инсонларни бир жойга боғлаб қўйган “прописка” тизими бекор қилинди. Бу оддий маъмурий қарор эмас эди бу — юртнинг исталган жойида иш ва қўним топиш, эркин инсон каби яшаш ҳуқуқи эди. Шу йили валюта эркин алмаштириладиган бўлди, қўшнилар билан ёпиқ чегаралар очилди. Кейинроқ Қирғизистон билан чегара масаласи узил-кесил ҳал этилди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари йўлга қўйилди. 2023 йилда халқ референдумда янги Конституцияни қабул қилди, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси билан узоқ муддатли мақсадлар белгиланди. Халқ қабулхоналари орқали миллионлаб фуқаролар давлат билан бевосита гаплаша бошлади.

Булар ўзгариш сўзда эмас, ҳаётда бўлаётганининг далили. “Ўргатилган чорасизлик”дан қутулишнинг ягона давоси ҳам айнан шундай ғояда мужассамдир.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан Президентимиз кейинги ўн йилликни янги Ўзбекистон учун миллий юксалиш даври деб эълон қилди. Бу моҳиятига кўра буюк тарихий мақсаддир. Аммо миллий юксалиш фақат иқтисодий кўрсаткичлар эмас, тафаккур ўзгариши билан бошланади.

Бизни жипслаштирувчи куч

Албатта, ўтмиш излари ҳали ҳам сезилиб туради. Баъзан бугунги масъулиятдан қочиб, фақат “биз энг қадимий халқмиз” деган ғурур билан овунамиз. Баъзан муваффақиятни ўз меҳнатимиздан эмас, кимнингдир ёрдамидан кутамиз.

Бу иллатларга қарши бизда минг йиллик даво бор. XIV асрда яшаган буюк араб мутафаккири Ибн Халдун “Муқаддима” асарида тарихнинг асосий қонунини “асабийя” деб атади. Асабийя — одамларни умумий мақсад атрофида бирлаштирадиган жамоавий бирдамлик руҳи. Ибн Халдун кўрсатдики, асабийя кучли бўлган халқлар юксалади. У заифлашиб, ҳар ким фақат ўз манфаатини ўйлай бошлаганда эса энг қудратли давлатлар ҳам инқирозга учрайди.

> **Ислоҳотлар туфайли Ўзбекистонда бугун бунинг учун ҳамма нарса бор: ислоҳотлар тажрибаси, очиқлик, минтақадаги етакчи ўрин, янги авлод. Дунё бизга тенг ҳамкор сифатида қарамоқда. Энди навбат — ўзимизнинг ўзимизга қарашимизда.**

Бизда асабийя илдизлари чуқур: маҳалла, ҳашар, меҳр-оқибат. 2020 йилда пандемия ва Сардоба фалокати пайтида бутун халқ бир оила бўлиб ёрдамга отланди. Бу — асабийянинг тирик намунаси.

Энди вазифа бу бирдамликни қариндошлик ва маҳалла доирасидан бутун миллат даражасига олиб чиқиш. Бир ҳудуддаги қийинчиликни бутун мамлакат ўз дарди деб билиши Президентимиз илгари сураётган “Ўз” ғоясининг амалдаги ифодасидир.

Нега Ўзбекистон энди кичик эмас?

Бугун мамлакатимиз кичик халқ психологиясидан чиқиш учун тарихий имкониятга эга. Бунинг бешта асоси бор.

Биринчидан, ислоҳотлар тажрибаси. Халқ бир неча йил ичида ўзгариши мумкинлигини ўз кўзи билан кўрди. Бу — ўргатилган чорасизликка қарши энг кучли даво.

Иккинчидан, очиқлик. Мамлакат дунёга очилди: чегаралар, валюта, сайёҳлик, қўшнилар билан муносабатлар. Очиқ жамият ташқи дунёдан қўрқмайди.

Учинчидан, минтақавий роль. Президентимизнинг очиқ ва амалий ташқи сиёсати туфайли Ўзбекистон Марказий Осиё ҳамкорлиги ташаббуслари марказига айланди. Қўшнилар билан узоқ йиллик муаммолар музокара орқали ҳал қилинди. Бугун сиёсатчилар “Марказий Осиё руҳи” деган иборани бежиз тилга олмаяпти.

Тўртинчидан, янги авлод. Сўнгги ўн йилда мутлақо янги авлод улғайди. Бу ёшлар очиқ Ўзбекистонда вояга етди, дунёни кўрди ва ўзини ҳеч кимдан кам ҳис қилмайди. Ўқувчиларимиз 2018-2025 йилларда халқаро фан олимпиадаларида 596 та медални қўлга киритди, фақат 2025 йилнинг ўзида 210 та, шундан 40 таси олтин. 2024 йилги Париж Олимпиадасида спортчиларимиз 8 та олтин медаль билан тарихдаги энг яхши натижани кўрсатди, футбол терма жамоамиз эса 2026 йилда тарихда илк бор жаҳон чемпионатида майдонга тушди. Улар “биз ҳам қила оламиз” деган ишончни амалда исботламоқда. Президентимиз айтганидек: “Фарзандларимиз шундай қаҳрамонларда ўзини кўрсин, ўз кучига ишонсин, ўз юртининг келажагига дахлдорлигини ҳис этсин!”.


Бешинчидан, аҳоли — рақам эмас, масъулият. 40 миллионга яқин аҳоли билан Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг катта халқ. Минтақа аҳолисининг қарийб ярми юртимизда яшайди. Лекин аҳоли сонининг ўзи кучни англатмайди: агар ёшлар билимли, касб-ҳунарли ва иш билан банд бўлса, бу — улкан бойлик, акс ҳолда, оғир юк. Қолаверса, минтақанинг энг катта давлати сифатида биз қўшниларга куч кўрсатиш эмас, ўрнак бўлиш билан етакчилик қиляпмиз. Катта аҳоли фақат буюк тафаккур билан бирга бўлгандагина кучга айланади.

Аммо булар фақат шарт-шароит. Тафаккур ўзидан-ўзи ўзгармайди — уни онгли равишда ўзгартириш керак.

Тарих буни кўп марта исботлаган. Ер ости бойликларига бой кўплаб давлатлар қашшоқликдан чиқа олмади. Табиий ресурслари деярли бўлмаган Япония, Жанубий Корея ва Сингапур эса бир авлод ичида дунё етакчилари қаторига кирди. Фарқ ресурсда эмас, тафаккурда эди: бу халқлар ўзини кичик ҳисоблашдан бош тортди ва онгли равишда янги қадриятларни тарбиялади — илмга ҳурмат, меҳнат интизоми, узоқ муддатли мақсад.

Тафаккур мерос бўлиб қолмайди, у ҳар куни қайта тарбияланади. Мактабда — болага савол бериш ва хато қилиш эркинлиги берилганда. Оилада — фарзанд “менга нима?” деб эмас, “мен қандай ёрдам берсам бўлади” деб ўйлашга ўргатилганда. Оммавий ахборот воситаларида — фақат муаммолар эмас, муваффақиятга эришиш ҳикоялари ҳам кўрсатилганда. Давлат хизматида — фуқаро билан тенг ҳамкор сифатида гаплашилганда. Президентимиз кино ижодкорлари билан учрашувда **“ЎЗ” ғоясини “ўзлигимизни англаб, ўз ҳикоямизни ўз овозимиз билан дунёга айтиш”** деб таърифлади. Буюк халқ тафаккури ана шу: ўз ҳикоясини бошқалар айтиб беришини кутмаслик.

Шарт-шароит бу — тупроқ. Аммо уруғ сепилмаса, энг унумдор тупроқда ҳам ҳеч нарса ўсмайди. Бугун Ўзбекистонда тупроқ тайёр. Энди уруғни ҳар биримиз ўз қўлимиз билан сепишимиз керак.



Беш тамойил

Биринчи тамойил — хатоларни тан олиш ва уларни тузатиш. Янги Ўзбекистоннинг энг муҳим ютуқларидан бири — давлат ўз камчиликларини очиқ тан ола бошлагани. 2016 йилда Президентимиз виртуал ва халқ қабулхоналарини ташкил этиб, давлат идоралари халқни эшитмаётганини очиқ айтди. Миллионлаб мурожаатлар ортида яширинган муаммолар юзага чиқди ва ҳал қилина бошлади. Кичик халқ хатосини яширади, буюк халқ хатосидан сабоқ чиқаради — биз иккинчи йўлдан кетмоқдамиз.

Иккинчи тамойил — масъулиятни ўз зиммасига олиш. Давлат ўрнак кўрсатди: Президентимиз илгари сурган “халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” тамойили бугун бошқарувнинг асосига айланди. Энди навбат — ҳар биримизда.

Буюк халқ “Ким айбдор?” деб эмас, “Мен нима қила оламан?” деб савол беради. Янги Ўзбекистон — фақат давлатнинг эмас, ҳар биримизнинг лойиҳамиз. Пора бермаслик ва олмаслик, кўчамизни тоза тутиш, солиқни ҳалол тўлаш, фарзандимизни илмга йўллаш, қўшнимизнинг дардига бефарқ қолмаслик — буюк халқ айнан шу кичик қарорлардан туғилади.

Бу буйруқ эмас, виждон чақириғи. Ҳар бир ўқитувчи, шифокор, тадбиркор, фермер ва талаба ўз ўрнида ўз ишини ҳалол ва юксак даражада бажарса, бу энг кучли ислоҳот бўлади. Биз ўзимиздан бошласак, мамлакат ўзгаради.

Учинчи тамойил — ишонч доирасини кенгайтириш. 2020 йилги пандемияда “Меҳр-саховат ва ҳамкорлик” умумхалқ ҳаракати нотаниш инсонларга ёрдам қўлини чўзди. Тадбиркорлик ривожланмоқда — бу ҳам ишонч белгиси: одамлар энди фақат қариндоши эмас, ҳамкори билан бизнес қурмоқда. Кейинги қадам — ишончни бир-биримизга, қонунга ва жамият институтларига бўлган муносабатни яхшилаш орқали янада мустаҳкамлаш.

Тўртинчи тамойил — қўшниларга сахийлик. Бу тамойил аллақачон амалда. Ўзбекистон қўшнилар билан чегараларни очди, Тожикистон билан визасиз режимни тиклади, Қирғизистон билан чегара масаласини узил-кесил ҳал қилди. Афғонистон фуқаролари учун Термизда таълим маркази ва халқаро логистика маркази ишга туширилди. Марказий Осиё раҳбарларининг мунтазам маслаҳат учрашувлари айнан Президентимиз ташаббуси билан бошланган. Буюк халқ минтақага биринчи бўлиб қўл узатади — Ўзбекистон айнан шуни қилмоқда.

Бешинчи тамойил — узоқ уфқ. Кичик халқ бугунги хафагарчилик билан яшайди, буюк халқ бир неча авлодга мўлжалланган стратегия билан. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва миллий юксалиш даврининг етти миллий дастури мамлакатнинг узоқ муддатли мақсадларини очиқ белгилаб берди. Энди бу тафаккур ҳар бир оила, маҳалла ва корхонага етиб бориши керак: биз болаларимиз учун эмас, невараларимиз учун қарор қабул қилиш маданиятини шакллантиришимиз лозим.

Хулоса ўрнида

Кичик халқ психологияси — тарих берган жароҳат, лекин ҳукм эмас. Илм кўрсатадики, халқ тафаккури тажриба, бирдамлик ва ишонч орқали ўзгаради.

Ислоҳотлар туфайли Ўзбекистонда бугун бунинг учун ҳамма нарса бор: ислоҳотлар тажрибаси, очиқлик, минтақадаги етакчи ўрин, янги авлод. Дунё бизга тенг ҳамкор сифатида қарамоқда. Энди навбат — ўзимизнинг ўзимизга қарашимизда.

Буюк халқ бўлиш учун ўзимизни буюк деб эълон қилиш шарт эмас. Буюк халқ каби ҳаракат қилиш кифоя: танқидни эшитиш, хатони тан олиш, масъулиятни ўз зиммасига олиш, қўшнига сахий бўлиш ва узоқни кўра билиш.

Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари йўл ҳар биримизнинг тафаккуримиздан бошланади.

Баҳриддин Муртазаевич РЎЗИЕВ



Давлат ва жамоат арбоби, Навоий вилоятининг собиқ ҳокими, меҳнат фахрийси Баҳриддин Муртазаевич Рўзиев шу йил 11 ноябрь куни 76 ёшда вафот этди.

Б.Рўзиев 1950 йил 23 августда Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг меҳнат фаолиятини Кармана тумани йўл қурилиши бирлашмасида авточилангар сифатида бошлади. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, Тошкент политехника институтида муҳандис-механик мутахассислиги бўйича таҳсил олди. Кейинчалик Москва ижтимоий фанлар академиясида ўқиди.

Б.Рўзиев Навоий вилоятида кўп йиллар давомида ёшлар ташкилотлари ва турли бошқарув идораларида масъул вазифаларда ишлаб, ўзини тиришқоқ ва жонкуяр раҳбар сифатида намоён этди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда у Навоий вилояти газлаштириш бошқармаси бошлиғи, ҳудудий коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиғи, Конимех тумани ҳокими каби лавозимларда самарали меҳнат қилиб, ҳудуд аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришга муносиб ҳисса қўшди.

Бошқарув ва ташкилий ишлар борасида катта салоҳиятга эга бўлган Б.Рўзиев 2002 йилда Навоий вилояти ҳокими этиб тайинланди. Мураккаб ўтиш даврида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларини кенгайтириш, иқтисодиётга инвестициялар жалб этиш, фермерлик ҳаракатини шакллантириш, воҳанинг экспорт имкониятларини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўлида жонбозлик кўрсатди.

Айниқса, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасини ташкил қилиш, Навоий халқаро аэропорти негизида халқаро логистика марказини барпо этиш ишларида сидқидилдан фидокорона меҳнат қилди.

Янги Ўзбекистон шароитида фахрийлар ташкилотининг аъзоси сифатида ўзининг бой билим ва тажрибаси, қимматли маслаҳатлари билан турли соҳа ва тармоқларни ривожлантириш, ёш иқтидорли кадрларни тарбиялаш, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида камол топтиришга қаратилган тадбирларда, жамоат ишларида фаол иштирок этди.

Таниқли давлат ва жамоат арбоби, самимий ва камтарин инсон, ёшларнинг меҳрибон устози Баҳриддин Рўзиевнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОЕВА, Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ, С.ТУРДИЕВ

Бугунги иқлим ўзгаришлари экология аллақачон табиатни муҳофаза қилиш масаласи бўлмай қолганини яна бир тасдиқламоқда. Давлатларнинг иқлим ўзгариши, сув ресурслари танқислиги ва ернинг деградацияга қарши кураша олиш салоҳияти иқтисодий барқарорлик, аҳоли турмуши сифати ҳамда келажак авлодлар хавфсизлигига бевосита боғлиқ.

ЭКОЛОГИЯНИ АСРАШ ПЕДАГОГИКА ИШИ ҲАМДИР

Муносабат



Азамат КАМОЛОВ,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Атроф-муҳит ифлосланиши ва табиий ресурсларнинг камайиб бориши глобал экологик инқирозни янада чуқурлаштирмоқда. Ўзбекистон ва Марказий Осиё учун бу масалалар алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, сув ресурслари тақчиллигининг кучайиши, ер деградацияси, музликларнинг эриши, қурғоқчилик ва глобал исишнинг бошқа оқибатлари минтақа мамлакатлари олдига тобора жиддий вазифаларни қўймоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш, сув ресурсларини тежаш ва иқлим ўзгаришларига чидамлиликни мустаҳкамлаш йўналишларида халқаро ҳамда минтақавий ташаббусларни фаол илгари суриб келмоқда.

Президентимиз 10-11 ноябрь кунлари Анталия шаҳрида БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг 31-сессияси (COP31) доирасида ўтказилган жаҳон етакчилари саммитининг ялпи мажлисида нутқ сўзлади ва қатор долзарб ташаббусларни илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари иқлим муаммоларига ҳеч бир мамлакат ёлғиз ҳолда ечим топа олмаслигини таъкидлаб, Марказий Осиёнинг Иқлим интеграцияси моделини ривожлантириш таклифини билдирди. Таклиф минтақавий ҳамкорликни умумий чақириқлардан амалий ҳаракатлар босқичига олиб чиқишни назарда тутади.

Албатта, бу жараёнда давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, маълумотлар алмашинуви, миллий манфаатларни ҳисобга олиш ва келишилган қарорларни изчил амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Марказий Осиёдаги экологик хавфсизлик барча давлатларнинг мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатлари орқали таъминланади. Шу маънода, Иқлим интеграцияси модели нафақат бугунги экологик муаммоларга жавоб, балки минтақанинг узоқ муддатли тараққиёти ва келажак авлодлар фаровонлиги учун ҳам муҳим ҳамкорлик асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Президентимиз бугун мамлакатимизда болаларнинг экологик тарбияси оила, маҳалла ва мактаб фаолиятининг уйғунлиги асосида йўлга қўйилганини алоҳида қайд этди. Ёш авлодга сувни тежаш, дарахтларни парвариш қилиш, атроф-муҳитни тоза ва озода сақлаш боғчаданоқ ўргатилмоқда.

Мамлакатимиз етакчиси бу мавзуга бежиз тўхталмади. Чунки экологик таълим аҳолининг атроф-муҳитга нисбатан онгли ва эҳтиёткорона муносабатини шакллантириш, табиат ва жамият ўртасидаги узвий боғлиқликни англаш ҳамда барқарор ривожланишни таъминлашда муҳим омилдир.

Юртимизнинг ҳар бешинчи фуқароси — мактаб ўқувчиси ёки талаба. Тизимли экологик таълим-тарбия туфайли 2050 йилга бориб, Ўзбекистон аҳолисининг тўртдан уч қисми табиатни асраш бўйича пухта билимга эга бўлади.

Бугун экологик таълим Ўзбекистон ва бутун дунё умумтаълим мактабларида таълим-тарбия жараёнининг устувор йўналишларидан. Бу эса, ўз навбатида, биз — педагоглар зиммасига улкан масъулият юклаш билан бирга атроф-муҳитни ҳимоя қилишга тайёр, экологик маданиятга эга янги авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

Экология замонавий тренд эмас, балки ҳаётнинг асоси, тириклик пойдевори. У биз нафас оладиган ҳаво, ичимлик сув ва келажак барпо этилаётган замин. Бугун Ўзбекистон ушбу масаланинг аҳамиятини чуқур ҳис қилмоқда. Бу эътибор бежиз эмас. Зеро, мавзуга бугунги муносабат ва ёндашув эртанги кун олдидаги масъулият билан чамбарчас боғлиқ.

Президентимиз таъбири билан айтганда, келажак авлод учун фаровон ҳаёт ва қулай шарт-шароит яратиш ҳамда она сайёрамизни асраб-авайлаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.


ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Давлатимиз раҳбари вилоятимизга ташрифи чоғида илгари сурган ташаббус ва янги имкониятлар сабаб Бухоро мутлақо янги даврга қадам қўйди. Ҳар бир янгилик, ташаббус халқимиз қалбига чексиз қувонч олиб кирди.

ДАВР НАФАСИ | 3

2026 йил 13 ноябрь, 236-сон



Буюк ўзбек йўли







УЛУҒ МАҚСАДНИ КЎЗЛАБ БИРЛАШМОҚ САОДАТИ



Самойдин ҲУСЕНОВ,
“Нуроний” жамғармаси Бухоро вилояти бўлими раиси

Бошланиши 1-бетда

Агар ишлар битта туман ёки шаҳар миқёсида бажарилса, бир қадар осон кечади. Яъни куч бир жойга жамлаб йўналтирилади. Бир ёки иккита асосий тармоқ тортилади. Лойиҳалашда сувни қаердан олиб қайси йўналиш орқали ўтказишда ортиқча савол, масала бўлмайди. Турли манзиллардаги 55 та маҳалла эса кўпроқ иш ҳажми, алоҳида лойиҳалаш ва табиийки, катта маблағ дегани.

Ҳозир аҳолини марказлашган сув билан таъминлаш учун айрим жойларда инфратузилмани йўқдан яратишга, мавжудларини тубдан янгилашга эҳтиёж бор. Шу нуқтаи назардан, 15 фоизли кўрсаткич аслида жуда катта лойиҳалар асосидаги заҳматли меҳнат эканини англаш, унинг кўламини халқимизга етказиш биз, нуронийларнинг бурчимиз. Ахир ушбу лойиҳа ортида минглаб аҳолининг тақдири, соғлиғи учун муҳим бўлган масаланинг ечими турибди. Шу боис, бу рақамни 80 билан 95 орасидаги фарқ эмас, юртдошларимиз қувончи, фаровон ҳаёт рамзи деб баҳолаш керак.

Янги Ўзбекистонда барча соҳаларда бир вақтнинг ўзида комплекс ислоҳотлар кечяпти. Бунинг учун аҳолини ўйлантираётган масалалар маҳалланинг ўзида ҳал этиладиган тизим яратилган. Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтиш жоиз. Инсон қанчалик бахтли бўлса, эҳтиёжлари шунчалик ортиб бораверади. Шу боис, биз доим ҳам бахтиёр кунларимизнинг аҳамиятини англайвермаймиз. Айни сабаб туфайли инсон кечаги кунини эслаб, босиб ўтилган йўлни таҳлил қилишга зарурат сезади. Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи тафсилотлари билан танишиб борар эканман, беихтиёр кечаги кунлар бирма-бир кўз олдимдан ўтди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида, оғир иқтисодий синовлар палласида вилоятга раҳбарлик қилганман. Яшириб нима қилдим, у пайтларда вилоятни бошқариш саҳрода сувсиз қудуқ қазишдай эди. Яъни кўз билан кўриб, юрагимиз билан ҳис қилган масалаларга ечим топа олмасдик. Бунга баъзан маблағ, гоҳида ваколатимиз етмасди. Иқтисодий тизим шу қадар чекланган эдики, маҳаллий раҳбар сифатида ташаббус кўрсатиш, катта лойиҳаларни бошлаш у ёқда турсин, оддий ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун ҳам йиллаб кутишга ёки юқори идоралар эшигида курашишга тўғри келарди. Шу боис, халқни қабул қилиш, дардини тинглашга журъат эта олмасдик. Ахир қуруқ ваъда билан иш битмайди.

Бугун вилоят ҳокимидан тортиб, туманлардаги барча масъуллар бирдек аҳоли мурожаати билан ишлаяпти. Керак бўлса уйма-уй юриб, масалалар ўрганиляпти. Ҳозир масъуллар халқимизга қандай масалангиз бор, нимани ҳал қилиб берайлик, деб дадил гапиради. Гапира олади! Чунки уларнинг қўлида имкони ҳам, ваколати ҳам бор!

Тадбиркорлик қиламан деса, пул, ҳатто зарур жиҳозларигача олиб келиб бериляпти. Имкони бор, лекин баъзи сабабларга кўра ишсиз, иштиёқсиз инсонларга рағбат кўрсатиляпти. Томорқада ишла, мана уруғ, керак бўлса ишлашни ўзимиз ўргатиб, маҳсулотга харидорни ҳам ўзимиз топиб берамиз дейиляпти. Шу тариқа улар жамиятнинг фаол аъзосига айланмоқда.

Гап исботи билан бўлсин. Когон туманида ўн йиллар аввал 90 гектар томорқада сабзавот-полиз маҳсулотлари экилган. Ҳозир бу рақам 160 гектардан ошган. Бухоронинг иқлими, ўзига хос табиатига қарамай, деҳқончилик оммалашмоқда. Бунинг сабабини теран таҳлил этиш керак. Бир гектар томорқа агар 20 сотихдан бўлинса, камида бешта оиланинг даромад манбаи дегани. Энди тасаввур қилинг, ўтган қисқа вақтда бир туманда 70 гектар майдондан фаол фойдаланиш бошланган. Яъни камида 350 та оиланинг (ҳар бири 20 сотихли) томорқаси ишлай бошлаган. Шунинг ўзиёқ халқимизнинг дунёқараши ўзгариб, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиб бораётганини кўрсатади. Қолаверса, бошланган ислоҳотлар кўлами қанчалик кенг ва изчил эканидан далолат. Хусусан, аҳолининг тадбиркорлик ташаббуслари қўллаб-қувватланяпти. Имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратишда “маҳалла еттилиги” кўмаклашмоқда. Доимий даромадга эга бўлмаган ишсиз аҳолини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш баробарида томорқачилик лаёқатини оширишга эътибор қаратиляпти.

Натижа ҳам қувонарли. Масалан, Когон тумандаги Баҳоуддин Нақшбанд маҳалласида яшайдиган Дилшод Бозоров жорий йил июль ойида ўзига тегишли 17 сотих ерда иссиқхона қурган. Унга дастлабки ҳосил сифатида харидоргир, эртапишар 6 мингта бодринг кўчати ўтқазган. Ҳозир у ҳосилни йиғиб оляпти. Деҳқоннинг хомчўтига кўра, 120 миллион сўмдан зиёд даромад олинади. Қолаверса, иссиқхонада қишки мавсумда исмалоқ, кашнич, шивит, саримсоқпиёз каби кўкатлар, эрта баҳорда картошка экиларкан. Шу тариқа томорқадан бир йилда камида уч марта ҳосил олинади. Бухорода яшаб кўрган, иқлимини, тупроғини яхши биладиган киши бунинг қанчалик аҳамиятли эканини теран англайди.

Буни бежиз мисол қилиб келтирганим йўқ. Соҳага имконият бериш катта жасорат. Лекин уни билим билан, пухта режа асосидаги илмий ечимга таяниб бажариш ҳақиқий донишмандлик ва халқпарварликдир. Янги Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг ҳаётбахшлиги сири ҳам шунда. Бугун эса ҳар бир соҳадаги ислоҳотлар мана шундай ёндашув асосида кечяпти.

Шулар ҳақида ўйлай бошласам, ҳозирги ҳокимларга ҳавасим келади. Аввал ҳокимлик мақоми ташқи томондан кенг имконият бўлиб кўринса-да, аслида, ўша даврнинг сиёсий ва иқтисодий занжирларига маҳкам боғланган қисмат эди. Яшириб нима қилдим, ҳалигача юрагимнинг туб-тубида тинчлик бермайдиган оғриқларим бор. Бизнинг давримизда чекка туманларга, маҳаллаларга ичимлик сув олиб бориш, электр энергияси, ёритиш ва йўл муаммоларини ҳал қилиш учун ойлаб юқори идоралар эшигида сарсон бўлардик. Саноатни ривожлантириш, вилоятга миллиардлаб доллар хорижий инвестициялар олиб кириш ҳақида орзу ҳам қила олмасдик.

Гарчи катта бир вилоятнинг раҳбари бўлсам-да, баъзан имконсизлик сабаб кўзида умид билан келган муштипар онанинг, қийин аҳволдаги фуқаронинг илтимосини бажара олмаган кунларим кўп бўлган. “Маблағимиз йўқ, бу бизнинг ваколатимизга кирмайди”, дея рад жавобини беришга мажбур бўлганимда кўнглимдан нималар ўтганини сўз билан ифодалай олмайман. Ўшанда илинж билан келиб, умиди чил-чил сингач, маъюс тортиб изига қайтган инсонлар нигоҳи ҳали-ҳамон кўз ўнгимда.

Шундай вақтларда гоҳида тадбиркорлардан кўмак олишга мажбур бўлардик. Маҳалладаги дўкончи, эндигина оёққа тураётган ишлаб чиқарувчи имконияти етса-етмаса айрим оилаларга ҳомийлик қиларди. Бошқа чора ҳам йўқ эди-да! Бундан аксарият тадбиркорлар норози бўлгани бор гап. Негаки, ўша вақтларда тадбиркорлик таваккалчилик эди. Турли текширишлар, турфа тўсиқлар, баланд солиқлар ишбилармонларга солинган тушов эди. Бундай вазиятда инсон бировга яхшилик қилиш нари турсин, ўзи кўмакка муҳтож бўлади.

Бугун тадбиркорларга кенг имконият яратилган. Ҳатто улар бемалол хорижлик ҳамкорлар билан ишлаяпти. Қўрқмасдан сармоя олиб кирмоқда. Аҳолини иш билан таъминлаб, ижтимоий кўмакка муҳтож инсонларга ўзлари ташаббус кўрсатиб ёрдам бермоқда. Бераётган моддий ёрдамини бошқалардан сир тутиб, элнинг дуосини олиб юрган кўплаб тадбиркорларни танийман. Бундай тантилик ортида ҳам аслида ҳаётдан розилик турибди. Негаки, вилоятимизга катта сармоялар олиб кирилиб, ишбилармонлик муҳити тобора яхшиланиб боряпти.

Шу ўринда яна бир йирик рақам — вилоят иқтисодиёти бу йил илк бор 100 триллион сўмлик маррадан ошиб, ўсиш 10,1 фоизни ташкил этишини ёдга олиш зарур.

Мана, эътибор қилинг: сўнгги тўққиз йилда вилоятга 9,5 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилинди. Натижада 6 мингдан ортиқ янги ишлаб чиқариш қуввати ва 120 мингта доимий иш ўрни яратилди. Президентимиз жуда топиб айтди: **“Бугунги Бухоро буюк тарихдан янги тараққиёт ва муҳташам лойиҳалар даврига шиддат билан юзланмоқда”.**

Ҳоким бўлиб ишлаган вақтимда Қоровулбозор туманидаги Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини ташкил этганимиз ҳамон ёдимда. Ўша пайтда энг йирик лойиҳамиз шу эди. Уни амалга оширишдаги қийинчиликларни санаб вақтингизни олмоқчи эмасман. Лекин бир ҳақиқатни айтиш зарур. Бугун бундай заводлар қуриш биз учун оддий воқеликка айланиб боряпти.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифи чоғида бир вақтнинг ўзида умумий қиймати 7,8 миллиард доллар бўлган 145 та лойиҳадан иборат дастур тақдим этилди. Шундан 55 та лойиҳа ишга тушди ва яна 90 тасининг қурилиши бошланди. Улар нефтькимё, тўқимачилик, қурилиш материаллари, машинасозлик, энергетика, тоғ-кон саноати, фармацевтика, рақамли технологиялар, логистика, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, уй-жой қурилиши, инфратузилма, хизмат кўрсатиш ва туризм каби қатор соҳаларни қамраб олган. Яъни вилоятимиз иқтисодий тараққиётида муайян соҳалар билан чекланиб қолгани йўқ. Аксинча, янги-янги йўналишлар кашф этилиб, мавжуд иқтисодий лойиҳалар янада кенгайтириляпти. Мақсад эса битта — импорт ўрнини босадиган ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш. Янги лойиҳалар амалга ошгач, 14 мингдан ортиқ иш ўрни яратилади. Йилига 22 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 510 миллион долларлик экспорт имконияти пайдо бўлади.

Бухоро Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган қадимий манзил. Шу боис, дунёнинг тўрт томонидан савдо ва илм аҳли Бухорога келган. Бу ўз-ўзидан Бухорода катта иқтисодий айланма ҳосил қилган. Бугун ана шу тарихий илдизлар қайта тикланяпти. Тақдим этилган йирик лойиҳаларнинг сармоядорлари дунёнинг ривожланган мамлакатларидан келаётгани фикримизни исботлайди. Яъни лойиҳаларда АҚШ, Канада, Германия, Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Хитой, Вьетнам, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Россия ва Ҳиндистон инвесторлари иштирок этяпти. Бир вақтлар катта карвонлар келиб, карвонсаройларда ҳаёт қайнаган. Бугун ҳам саёҳат, тижорат мақсадида келган хорижликлар сабаб Бухорода меҳмонхоналар кун сайин кўпайиб боряпти.

Шу ўринда қуйидаги фактга эътибор беринг. Жорий йилда Бухорога 3,5 миллион хорижлик сайёҳ келиши кутиляпти. Мазкур кутилма ҳаводан олингани йўқ. Йилнинг шу пайтгача бўлган даврида келган меҳмонлар салмоғи ҳисоб-китоб этилиб, соҳадаги ишлар шунга моланд тарзда давом эттириляпти. Чунки туризм ривожи сабаб кўплаб оилаларнинг иқтисодиёти яхшиланди. Кимдир меҳмон уйи очган, бошқаси ҳунармандлик ва бошқа хизмат кўрсатиш нуқталаридан даромад топмоқда. Масалан, оддий такси ҳайдовчиси ҳам хорижлик сайёҳлар ҳисобига кўпроқ пул топа бошлади.

Биз, бухороликлар туризмдаги ютуқлардан ҳақли равишда фахрланамиз. Лекин узоқни кўра биладиган етакчи учун бу кўрсаткичлар ҳали бошланғич нуқта экан. Яъни Президентимиз Бухорога ташрифи чоғида мазкур кўрсаткичларни икки баравар ошириш мумкинлигини кўрсатиб ўтди. Сайёҳларнинг вилоятда қолиш муддатини узайтириш ва туризм мавсумини йилнинг бошқа ойларига ҳам кенгайтириш зарурлиги қайд этилди. Бунинг учун зарур шароитлар яратиладиган, йирик меҳмонхоналар қурилиб, янада йўлларимиз равонлашадиган бўлди.

Яна тарих ёдга тушади. Бундан ўн йиллар олдин сайёҳлар фақат эски шаҳарни, Лабиҳовуз ёки Минораи Калонни айланиб, эртасигаёқ қайтиб кетарди. Шаҳарда меҳмонларни бир неча кунга ушлаб қоладиган на инфратузилма, на замонавий хизмат кўрсатиш тизими бор эди. Энди кечаги эски шаҳар, Етти пир мажмуалари, Чор Бакр, Пойкент, Варахша ва Вардонзе каби улуғвор тарихий обидалар ягона туризм концепцияси асосида бир-бирига мантиқий ва географик жиҳатдан боғланмоқда. Бунинг натижасида вилоятнинг азим тарихи қайта жонланади.

Бухоро туманидаги минг гектар майдонда барпо этиладиган 500 миллион долларлик туризм кластери хорижлик сайёҳлар учун янги дарвозаларни очади. Илгари бир миллион долларлик инвестиция соғинчида юрган бўлсак, бугун ярим миллиард долларлик лойиҳа ҳақида гапириляпти. Гулчорбоғ маҳалласидаги 80 миллион долларлик туризм маркази ва Жалол Икромий маҳалласида барпо этилаётган 60 миллион долларлик замонавий конгресс-холл эса бухороликлар учун ҳақиқий тарихий туҳфа бўлди.

Келаси йил Бухорода 30 га яқин халқаро тадбир режа қилинган. Уларни юқори савияда ўтказиш учун эса бунёдкорлик ишларига янги суръат берилди. Қолаверса, масъулларга хорижлик сайёҳлар сонини 7 миллионга етказиш бўйича ойма-ой режа тайёрлаш топширилди. Унда янги турпакетлар, тадбирлар, туманларда очиладиган объектлар ва сайёҳлар жалб қилинадиган бозорлар аниқ кўрсатилади.

Буларнинг барчаси келажак авлод учун янги, замонавий ва юқори даромадли иш ўринлари деганидир. Ёшлар энди ризқини излаб хорижга, мусофирчиликка кетмайди. Улар ўз уйида туриб ҳам жаҳон андозаларига мос маошли иш топади. Бу раҳбар сифатида ҳам, ота сифатида ҳам менинг энг катта орзуларимдан бири эди.

Фаолиятим сабаб ҳар куни одамлар орасидаман. Аҳоли билан суҳбатлашганимда, кўзларидаги хотиржамликни, давлатдан розилигини кўриб, ич-ичимдан хурсанд бўламан. Биргина жорий йилнинг ўзида вилоятимизда 29 та шифохона ва поликлиника энг замонавий технологиялар билан янгиланиши кексалар учун кўрсатилаётган асл ғамхўрликнинг амалий исботи бўлди. Бу бир нуронийнинг баландпарвоз гаплари эмас, реал рақамлар асосидаги факт. Бухороликлар ўртасида ўтказилган сўровда аҳолимизнинг 98 фоизи ҳаёт сифати яхшиланганини билдирган. Тадбиркорларимизнинг 83 фоизи эса келгуси уч йилга ижобий кутилма билан қараётганини айтган. Бу эртанги кунга мустаҳкам ишонч, шунга яраша баланд марраларни забт этиш шижоатининг кўрсаткичи. Юқорида таъкидлаганимиздек, бундай ишонч ортида янгиланишларнинг халқчиллиги, ҳаётдаги амалий ифодаси турибди. Айни ўринда фикримни яна аниқ фактлар билан асосласам.

Давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари билан нуронийларнинг жамият ривожидаги ўрни янада мустаҳкамланди. Уларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари амалиётга жорий этилди. Жумладан, маҳаллаларда “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари, ҳудудларда нуронийлар жамоатчилик кенгашлари фаолияти йўлга қўйилди. Кексалар учун “Нуронийлар маскани” мажмуалари ташкил этилди. Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлиқ тўланмоқда. “Кексалар ҳафталиги” ва “Кексалар учун туризм ойлиги”ни ўтказиш анъанага айланди.

2026 йилга мўлжалланган давлат дастурида ҳам нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш алоҳида мақсад сифатида белгиланди. Биргина Бухоро вилояти мисолида олсак, ҳудудда 2026 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларнинг амалий натижалари яққол кўзга ташланади. Вилоятимизда Иккинчи жаҳон уруши ва уруш орти фахрийлари, 100 ёш ва ундан ошган кексалар истиқомат қилмоқда. Уларнинг ҳар бири юртимизнинг машаққатли кечмиши, мустақилликкача бўлган давр ва истиқлол йилларидаги янгиланишларнинг жонли гувоҳидир. Бу инсонларнинг матонати, ҳалол меҳнати ва ҳаёт йўли ёш авлод учун чинакам ибрат мактаби. Бугун улар давлатимиз эъзози, эътиборидан азиз бўлиб яшамоқда.

Вилоятимизда ёшга доир пенсия олувчилар сони қарийб 246 минг нафарни ташкил этади. Ўзгалар парваришига муҳтож 1198 нафар ёлғиз кекса доимий эътиборга олинган. Буни ҳижжалаб айтаётганим, уларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмаган. Ҳолидан мунтазам хабар олиш, турмуш шароитини ўрганиш, тиббий ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш маҳалла, давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорликдаги вазифасига айланган.

Шу йилнинг дастлабки олти ойида вилоятда қарийб 12,5 минг нуронийга турли кўринишда ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 5 минг нафарга яқини бепул тиббий кўрикдан ўтказилди, 2 мингдан ортиғи дори-дармон, 1600 дан зиёди озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди.

Бу рақамлар ортида саломатлиги тикланган отахон, зарур дори-дармон билан таъминланган онахон, хонадони таъмирланган ёлғиз инсон ва давлат ҳамда жамият меҳрини ҳис қилган минглаб тақдирлар бор. Ана шу эътибор кекса инсоннинг қалбида хотиржамлик, ҳаётида фаровонлик ва юртимиздаги тинч кунларга нисбатан шукроналик туйғусини кучайтиради.

Янги Ўзбекистонда нуронийлар фақат эъзоз ва ғамхўрликка муносиб ижтимоий қатлам эмас. Улар ёшларга мураббий, оилаларга маслаҳатчи, маҳаллага таянч, тинчлик ва осойишталикка даъват этувчи катта маънавий кучдир.

“Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойили асосида вилоят маҳаллаларида уюшмаган ва муаммоли беш мингдан ортиқ ёш танлаб олинди. Улар билан индивидуал ишлаш учун тажрибали 525 нуроний бириктирилди. Нуронийлар иштирокида 1,5 мингга яқин тарғибот ва тушунтириш тадбири ташкил этилди. Аммо ушбу ташаббуснинг ҳақиқий самараси тадбирлар сонида эмас, ёшлар ҳаётидаги аниқ ўзгаришларда намоён бўлди.

Хусусан, амалга оширилган ишлар натижасида 779 ёш ишга жойлаштирилди, 616 нафари касб-ҳунарга йўналтирилди, 2670 нафарининг турли муаммолари ҳал этилди. Профилактик рўйхатда турган 442 ёш ижобий ўзгаришлар туфайли рўйхатдан чиқарилди, 423 нафари жиноят содир этишининг олди олинди.

“Нуроний ҳар бир оилага масъул” лойиҳаси доирасида вилоятдаги мингдан ортиқ муаммоли оиланинг ҳар бирига бир нуроний бириктирилди. Манзилли суҳбатлар, яраштириш ва профилактика ишлари натижасида аксарининг муаммоси ҳал қилиниб, муаммоли оилалар тоифасидан чиқарилди.

“Уч авлод учрашуви” тадбирлари ҳам фахрийлар, ўрта авлод ва ёшларни ягона маънавий майдонда бирлаштирмоқда. Учрашувларда ёшлар мустақилликнинг қадри, тинчликнинг аҳамияти, Ватанга садоқат ва ҳалол меҳнатнинг самараси ҳақида ҳаёт мактабини ўтаган инсонлардан эшитмоқда. Вилоятда жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот-профилактика ишларида ҳам нуронийлар фаол иштирок этмоқда.

Маҳаллалар уюшмаси ва “Нуроний” жамғармасининг 2026 йил 30 январдаги қўшма қарори асосида Бухоро вилоятидаги 3560 та кўчага 7120 фаол нуроний “кўчабай” тамойили асосида бириктирилди. Улар иштирокида 5,5 мингга яқин турли тадбир ўтказилди. Жумладан, умуминсоний қадриятлар ва миллий урф-одатларни тарғиб қилиш бўйича учрашувлар, кўчалар ва қабристонларни ободонлаштириш мақсадида ҳашарлар ташкил этилди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида эса дарахтлар экилди.

Мамлакат тараққиёти учун иқтисодий ислоҳотлар, молиявий барқарорлик жуда муҳим. Таъбир жоиз бўлса, мамлакатлар мустақиллигини белгилаб берадиган кучнинг бир кўриниши ҳам айнан иқтисодий қудрат билан боғлиқ. Жамиятдаги ижтимоий бирдамлик, аҳиллик иқтисодий ўсиш суръатига янада кучлироқ қувват беради. Буни нуронийлар, зиёлиларга берилаётган эътибор, уларнинг ҳаётий тажрибасидан самарали фойдаланиш борасидаги ишларда ҳам кўриш мумкин. Айнан мана шундай халқчил ислоҳотлар сабаб бугун биз катта мақсад — янги Ўзбекистонни яратиш орзуси атрофида бирлашганмиз!

2026 йил 13 ноябрь, 236-сон

Ишончимиз комилки, изчил ислоҳотлар, халқаро ҳамкорлик, замонавий технологиялар ва малакали кадрлар салоҳиятини бирлаштириш орқали “Ўзбекнефтгаз”ни нафақат бугунги вазифаларни бажарадиган, балки эртанги кун талабларига ҳам тайёр бўлган замонавий энергетика компаниясига айлантирамиз.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЭНЕРГЕТИКАДА БАРҚАРОР КЕЛАЖАК

қатъиятли қарор ва самарали меҳнат билан яратилади



Абдуғани САНГИНОВ, “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқаруви раиси

Бошланиши 1-бетда

Шу нуқтаи назардан, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларидаги геология-қидирув ишлари натижасида бешта янги газ кони очилгани муҳим воқеа бўлди. Қизилжар, Шағирлиқ — Қуйи юра, Телегри, Гулшанбоғ ва Каприн конлари аниқланиши мамлакатимизнинг углеводород хомашё базасини кенгайтириш йўлидаги амалий натижалардир.

Айни пайтда 42 та инвестиция блокида янги конларни аниқлаш ва чуқур қатламларни ўрганиш давом эттирилмоқда. Хитойнинг BGP компанияси иштирокида Тагман, Когон ва Шоҳпахта лойиҳаларида 3D сейсмик тадқиқотлар қилинмоқда. Устюртдаги Мўйноқ, Қизилжар, “Ғарбий қуйи Сургил ва Шағирлиқ — Қуйи юра майдонларида саноат аҳамиятига эга газ ва конденсат оқимлари олинди. Улардаги захиралар халқаро стандартлар асосида баҳоланмоқда.

Сейсмик тадқиқотлар кўлами 2025 йилдагига нисбатан беш баравар оширилиб, 7430 квадрат километр майдонда 3D қидирув ишлари бажарилди. 17 та янги майдонда чуқур излов бурғилаш бошланди, 25 та қудуқ қурилиши якунланди.

Йил якунига қадар 3D тадқиқотлар қамровини 11 минг 900 квадрат километрга етказиш режалаштирилган. Бунинг учун геология-қидирув ва бурғилаш жараёнларини ягона технологик занжир асосида ташкил этиш, замонавий ускуналар билан таъминлаш ва бошқарув самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Ўзбекгеофизика” акциядорлик жамияти “Ўзбекнефтгаз” таркибига бирлаштирилиши муҳим ташкилий ечим бўлди. Геологиядан тортиб, қудуқ қурилишигача бўлган жараёнларни ягона бошқарув тизимига бирлаштириш орқали вақт ва молиявий ресурсларни тежаш, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга тезроқ татбиқ этиш имконияти кенгайди. Шу билан бирга АҚШнинг INOVA компанияси билан ҳамкорликда 38 миллион долларлик замонавий геофизик ускуналар харид қилиш режалаштирилган. Жумладан, 20 минг каналли иккита 3D сейсмик комплекс, юқори ҳарорат ва босимга бардошли 216 комплект қудуқ ускунаси, олтита каротаж ва ўнта геологик-технологик тадқиқот станцияси олиниши мўлжалланган. Эндиги вазифамиз нафақат тадқиқотлар кўламини ошириш, балки уларнинг аниқ геологик натижалар ва янги захиралар билан ифодаланишига эришишдир.

Миллий бурғилаш салоҳияти

Янги конларни аниқлашнинг ўзи етарли эмас. Уларни ўзлаштириш учун чуқур ва мураккаб геологик шароитларда ишлай оладиган техника, замонавий технологиялар ва малакали мутахассислар зарур.

Шу сабабли бурғилаш хизматларида ташқи пудратчиларга қарамликни камайтириш, таннархни пасайтириш ва миллий техник салоҳиятни мустаҳкамлаш мақсадида “UNG Burg‘ilash” ихтисослаштирилган корхонаси ташкил этилди.

Корхонанинг моддий-техник базасини шакллантириш учун Хитойнинг CNLC, Honghua, CNTIC ва RG Petro компанияларидан ZJ-90, ZJ-70 ва ZJ-40 русумли 15 та замонавий бурғилаш дастгоҳи харид қилиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Бу дастгоҳлар 9 минг метргача чуқурликда бурғилаш имкониятига эга.

Бу, аввало, илгари техник имкониятлар чекланган сабабли етарлича ўрганилмаган чуқур қатламларга етиб бориш, истиқболли захираларни аниқлаш ва қудуқ қурилишида миллий корхоналар иштирокини кенгайтиришга хизмат қилади. Лойиҳа доирасида муҳандислар, бурғиловчилар ва техник мутахассислар учун мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Навбатдаги муҳим технологик йўналиш — қия йўналтирилган ва горизонтал бурғилаш усулларини кенг жорий этиш. АҚШнинг Schlumberger ва Хитойнинг CNPC компаниялари билан ҳамкорликда татбиқ этилиши кўзда тутилган ушбу технологиялар газли қатлам билан қудуқнинг ўзаро таъсир юзасини кенгайтириш ва маҳсулдорликни ошириш имконини беради. Дастлабки илмий ҳисоб-китобларга кўра, бундай қудуқларда суткалик қазиб чиқариш кўрсаткичи оддий вертикал қудуқлардагига нисбатан 50-60 фоизгача юқори бўлиши мумкин.

Бу каби инвестициялар геология-қидирув ишлари аниқлиги ва сифатини ошириш, мураккаб қатламларни ўрганиш ҳамда бурғилаш жараёнларини илғор халқаро тажриба асосида ташкил этиш учун муҳим замин яратади.

Самарадорликнинг асосий шарти

Янги конлар келгуси йиллар захираси бўлса, мавжуд қудуқларни тиклаш бугунги ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омилидир. Табиийки, узоқ йиллар давомида ишлаётган конларда қатлам босими пасайиши, қудуқлар дебити камайиши ва техник ҳолат билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Бундай шароитда ишлаб чиқаришни фақат янги қудуқлар ҳисобига кўпайтириш мумкин эмас. Мавжуд қудуқлар имкониятини қайта баҳолаш, таъмирлаш ва уларни самарали ишлатиш ҳам зарур.

Ислоҳот одимлари



Шу борада 2026 йилнинг тўққиз ойида 80 та қудуқ бурғиланди. Бундан ташқари, 114 та қудуқ таъмирланиши натижасида кунлик газ қазиб чиқариш қўшимча 4 миллион куб метрга оширилди. 35 та қудуқда мукаммал таъмирлаш бажарилиб, аввал тўхтаб қолган қудуқларни қайта ишга тушириш, уларни чуқурлаштириш ва истиқболли қатламларга ўтиш орқали қўшимча маҳсулот олишга эришилди.

Мукаммал таъмирлаш ишларини янада тез ва сифатли бажариш учун техника паркини янгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Ўзбекнефтгаз” АЖ эскирган дастгоҳлар ўрнига замонавий ва юк кўтариш қуввати юқори техника олмоқда. Хитойнинг илғор компанияларидан бири билан тузилган шартномага кўра, юк кўтариш қуввати 135 тонна бўлган 4 та замонавий дастгоҳ харид қилинмоқда. Улардан 2 таси аллақачон ишга туширилиб, конлардаги қудуқларда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Янги дастгоҳлар таъмирлашни сезиларли тезлаштиради, чуқур қудуқларда мураккаб ишларни юқори самарадорлик билан бажариш, таъмирлаш кўламини кенгайтириш ва иш вақтини қисқартириш имконини беради. Оддий қилиб айтганда, қудуқларни мукаммал таъмирлаш вақт ўтиши билан ишдан чиққан ёки газ бериши камайиб қолган қудуқни қайта “даволаш” демакдир. Бунда қудуқдаги носозликлар бартараф этилади, зарур бўлса, қудуқ чуқурлаштирилади ёки бошқа истиқболли қатламга ўтказилади. Натижада қудуқ яна барқарор ишлай бошлайди, ундан узоқ муддат фойдаланиш ва кўпроқ маҳсулот олиш имкони пайдо бўлади.

Қазиб чиқариш барқарорлигини сақлаш мақсадида 78,5 миллион доллар қийматидаги 35 та кичик компрессор харид қилинмоқда. Уларнинг етти тасини етказиб келиниб, монтаж бошланган.

Кўрилган чора-тадбирлар натижаси сезилмоқда. Октябрь ойи бошидан жамият бўйича кунлик газ қазиб чиқариш ҳажми белгилаб олинган чора-тадбирлар режасидан 1,6 миллион куб метрга ошди. Бу, албатта, ишлаб чиқаришдаги мавжуд муаммолар тўлиқ бартараф этилди дегани эмас. Олдимизда конлардаги табиий пасайишни қоплаш, янги захираларни ишга тушириш ва қазиб чиқариш барқарорлигини таъминлашдек катта вазифалар турибди.

Хомашёдан тайёр маҳсулотгача

Нефть-газ соҳасининг иқтисодий қиймати фақат қазиб олинган хомашё ҳажми билан белгиланмайди. Унинг қанчалик чуқур қайта ишланиши, қандай қўшимча қиймат яратиши ва саноатнинг бошқа тармоқлари учун қандай имкониятлар очиши ҳам муҳимдир.

Жорий йилнинг тўққиз ойида жамият тизимида 41,8 триллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Режа 105,7 фоиз бажарилди, ўсиш суръати эса 105,9 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 773,5 минг тонна автобензин, 759,7 минг тонна дизель ёқилғиси, 210,6 минг тонна авиакеросин ва 452,7 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарилди. Шунингдек, саноат эҳтиёжлари учун 135,1 минг тонна олтингугурт ва 101,3 минг тонна полиэтилен гранулалари тайёрланди.

Бироқ биз бугунги маҳсулот ҳажмлари билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Асосий мақсад — хомашёни қайта ишлаш даражасини ошириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва маҳаллий саноат учун янги хомашё манбаларини яратиш.

Шу мақсадда республикада илк бор синтетик мой, тозаланган парафин ва чизиқли алкилбензол — ЛАБ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Айниқса, маиший кимё ва синтетик ювиш воситалари ишлаб чиқаришда муҳим хомашё ҳисобланган ЛАБнинг маҳаллийлаштирилиши саноат кооперацияси учун янги имкониятлар очади.

Бундай лойиҳаларнинг аҳамияти фақат янги маҳсулот ишлаб чиқариш билан чекланмайди. Улар импортга сарфланадиган валюта маблағларини тежаш, маҳаллий корхоналарни хомашё билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Қиш мавсумига тайёргарлик доирасида ҳам ёқилғи таъминоти барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, нефть базаларида бензин захираси ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,5 баробар кўп шакллантирилди. Бу мавсумий талабни ўз вақтида қондириш учун муҳим захирадир.

Муҳим иқтисодий мантиқ

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги технологиялар жорий этиш ва геология-қидирув ишларини кенгайтириш, энг аввало, мустаҳкам молиявий асосни талаб этади. Шу боис, жамиятда харажатларни мақбуллаштириш, қарз юкини камайтириш, инвестицияни самарали бошқариш ва даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган чоралар кўрилмоқда.

Тўққиз ойда харажатларни оптималлаштириш ҳисобига 1,9 триллион сўм тежалди. Режа 111,5 фоиз бажарилди. Жамият улуши мавжуд корхоналардан илк бор 2,6 триллион сўм дивиденд ҳисобланди. Давлат бюджетига эса 6,9 триллион сўм йўналтирилди.

Ҳисобот даврида экспорт ҳажми 736,7 миллион долларга етди. Бу борадаги режа 151 фоиз бажарилди. 790 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилди, маҳаллийлаштириш доирасида 17,3 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Молиявий бошқарувдаги муҳим ўзгаришлардан яна бири кредит мажбуриятларини қайта кўриб чиқиш ва қарзларга хизмат кўрсатиш харажатларини камайтиришдир. 69 та кредит шартномасидан 41 таси бўйича қайта молиялаштириш ва муддатидан олдин сўндириш ишлари амалга оширилиб, 18 миллион доллар фоиз харажатлари тежалди. Маҳаллий кредитлар бўйича фоиз ставкалари 9,5-12 фоиздан 7,4-7,5 фоизга, молиявий кредит елкаси эса 3,1х дан 2,2х гача пасайди.

Навбатдаги вазифа — давлат кафолати остида жалб қилинган 1,1 миллиард долларлик кредитларни қайта молиялаштириш. Бу борадаги ишлар натижасида 260 миллион долларлик кредит фоиз ставкасини 5 фоиздан қатъий 3,75 фоизга, “Uzbekistan GTL”нинг 840 миллион долларлик қарзи бўйича ставкани эса ўртача 7,7 фоиздан 3,8 фоизга тушириш кутилмоқда.

Бу рақамлар ортида оддий, аммо муҳим иқтисодий мантиқ бор: самарасиз харажатларни қисқартириш орқали бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги технологиялар харид қилиш ва инсон капиталига йўналтириш мумкин.

Инсон манфаати устувор

Ҳар қандай техника, технология ёки молиявий кўрсаткич ортида инсон меҳнати туради. Нефтчи ва газчиларнинг машаққатли меҳнатисиз, муҳандис ва ишчиларнинг билим ва тажрибасисиз бирорта ҳам лойиҳани амалга ошириб бўлмайди.

Айниқса, саҳро шароитида, қаҳратон қиш ва ёзнинг жазирама иссиғида меҳнат қилаётган ходимлар учун муносиб иш ва яшаш шароитини яратиш жамият олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

Шу мақсадда жорий йилнинг тўққиз ойида тизим ходимларининг ойлик иш ҳақи 21 фоиз оширилди. Устюртда 160 ўринли, Шўртанда эса 130 ўринли ётоқхона фойдаланишга топширилди. Ишчи-ходимларни кунига бир маҳал текин иссиқ овқат билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Меҳнат шароитларини яхшилаш транспорт таъминотини янгилаш билан ҳам уйғунлаштирилди. Конларда ишлайдиган ходимлар учун 52 та махсус йўлтанламас автомобиль, ишчиларни иш жойларига ташиш мақсадида 58 та замонавий автобус харид қилинди.

Бу ишлар давом эттирилади. Йил якунига қадар нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаларидаги ётоқхоналар ҳамда вагон уйларни капитал таъмирлаш, иситиш ва совитиш тизимларини янгилаш, санитария талабларига мувофиқлаштириш режалаштирилган.

Чунки биз учун ишлаб чиқариш самарадорлиги билан бир қаторда ходимлар саломатлиги, хавфсизлиги ва ижтимоий ҳимояси ҳам устувор аҳамиятга эга. Ислоҳотларнинг ҳақиқий натижаси, аввало, меҳнат қилаётган инсоннинг ҳаётидаги ижобий ўзгаришларда намоён бўлиши керак.

Тараққиёт учун замин

“Ўзбекнефтгаз” тизимидаги ўзгаришларни алоҳида-алоҳида лойиҳалар ёки статистик кўрсаткичлар йиғиндиси сифатида баҳолаш тўғри бўлмайди. Геология-қидирув ишлари кенгайиши, миллий бурғилаш салоҳияти шаклланиши, мавжуд қудуқларни тиклаш, янги технологияларни жорий этиш, қайта ишлаш қувватларини ривожлантириш ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш — буларнинг барчаси ягона мақсадга қаратилган.

Бу мақсад мамлакатимизнинг энергетика хавфсизлигини, миллий иқтисодиётни зарур углеводород ресурслари ва саноат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, соҳанинг рақобатбардошлигини оширишдир.

Албатта, олдимизда ҳали ечимини кутаётган мураккаб вазифалар кўп. Конлардаги табиий пасайишни қоплаш, янги захираларни ишлаб чиқаришга киритиш, технологик янгиланишни жадаллаштириш ва молиявий мажбуриятларни янада мақбуллаштириш доимий эътибор талаб этади.

Биз ҳар бир лойиҳага фақат сарфланадиган маблағ нуқтаи назаридан эмас, балки унинг келгуси иқтисодий самараси, яратиладиган қўшимча қиймати ва мамлакат энергетика тизимига қўшадиган ҳиссаси нуқтаи назаридан ёндашишимиз зарур.

Ишончимиз комилки, изчил ислоҳотлар, халқаро ҳамкорлик, замонавий технологиялар ва малакали кадрлар салоҳиятини бирлаштириш орқали “Ўзбекнефтгаз”ни нафақат бугунги вазифаларни бажарадиган, балки эртанги кун талабларига ҳам тайёр бўлган замонавий энергетика компаниясига айлантирамиз.

Зеро, энергетикада барқарор келажак бугунги изланиш, қатъиятли қарор ва самарали меҳнат билан яратилади.

Фаровонлик харитаси

РАВОН ЙЎЛЛАР – ЭЛ ЙИРОҒИН ЯҚИН ҚИЛАР

Риштон тумани “Чинигарон” маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўчалар ярим асрдан буён қишда лой, ёзда чанг бўларди. Туя ўркачидай йўллар қачон яхшиланиши эса сўроқ остида эди. Кейинги йиллардаги ислоҳотлар сабаб оғриқли масалага ижобий ечим топилди. Ҳозиргача 1 миллиард 300 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Натижада маҳалладаги 5 та кўчанинг 2,5 километри асфальтланди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида йўл четларига мевали, манзарали дарахтлар ва гул экилди.

— Маҳалламиз кўчалари ёғингарчиликда лой, бошқа пайтлар тупроқ эди, — дейди меҳнат фахрийси Абдумалик Ҳафизов. — Ҳолат юзасидан кўп жойларга мурожаат қилганмиз, аммо ижобий ечим топилмаган. Энди нафақат бизнинг маҳалла, балки қўшни ҳудудларда ҳам йўллар таъмирланяпти, янгилари қуриляпти. Бундан ташқари, сув, электр, газ таъминоти билан боғлиқ муаммолар ечимига ҳам эътибор берилмоқда.



Халқимиз азалдан йўл ва кўприк қуришни хайрли амал деб билган. Ҳатто йўлга қараб, ўша замин одамларига баҳо берилган. Шунингдек, йўлга муносабат инсонларга қаратилган эътибор сифатида баҳоланган. Шу боис, соҳадаги ислоҳотларни бевосита инсон қадрини улуғлаш дейиш мумкин.



Натижада 200 дан ортиқ қоидабузарлик аниқланди. Уларни бартараф этиш учун буюртмачи ташкилотлар ҳамда пудратчиларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берилди.

Йўлларда ҳаракатланиш чоғида махсус транспорт воситалари учун муайян қоидалар бор. Яъни уларнинг жиҳозланиши, оғирлиги ва шаҳар, туманларнинг марказий кўчаларида куннинг қайси пайтида ҳаракатланиши белгилаб берилган. Бу йўналишда доимий ўрганишлар қилиш учун халқаро андозалар даражасида замонавий шароит яратиб берилган. Марказий синов лабораториясининг махсус жиҳозланган автомашиналарида вилоят бўйлаб кўчма сайёр ўрганишлар олиб борилмоқда. Бевосита аҳоли билан мулоқот қилиш, ижтимоий тармоқлар орқали бўлаётган мурожаатлар, жамоатчилик назорати асосида аниқланган камчиликларни ижобий ҳал этиш учун зарур чоралар кўрилмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири
Шерзод Қорабоев олган суратлар.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Таълим сифати дарсликлар, ўқув дастурлари ёки замонавий технологиялар билангина белгиланмайди. Таълим муассасасидаги муносабатлар, бошқарув маданияти, баҳолашнинг холислиги ва ҳар бир таълим олувчи учун яратилган имкониятлар ҳам унинг муҳим таркибий қисмидир.

ЖАМИЯТ 5

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

2026 йил 13 ноябрь, 236-сон

Миллий юксалиш дастурлари

САЛОМАТЛИККА САРФЛАНГАН САРМОЯ





Гулбаҳор САИДОВА,
Парламент тадқиқотлари институти етакчи илмий ходими

Соғлиққа ажратилаётган маблағ харажатми ёки сармоя? Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимда эълон қилган иккинчи миллий дастур бу саволга аниқ жавоб берди. Келгуси беш йилда соғлиқни сақлашга давлат харажатлари ЯИМнинг 5 фоизига етказилади, давлат тиббий суғуртаси ҳар бир хонадонга кириб боради, тиббиёт эса профилактик моделга ўтади. Узоқ ва соғлом умр масаласига иқтисодчи нигоҳи билан қарасак, ҳайратланарли манзара намоён бўлади.

ҲАВОЛА ҚИЛИНГ

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Айсбергнинг сув остидаги қисми

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТ Тараққиёт дастури мутахассислари 2018 йилда Ўзбекистон учун махсус иқтисодий таҳлил тайёрлаган. Унга кўра, 2015 йилда юртимиздаги ўлим ҳолатларининг 79 фоизи юқумли бўлмаган, яъни юрак ва қон томири хасталиклари, саратон, қандли диабет ҳамда сурункали нафас йўллари касалликлари ҳиссасига тўғри келган.

Бу касалликлар иқтисодиётга ҳам оғир юк бўлмоқда. Таҳлилга кўра, 2016 йилда улар туфайли кўрилган жами зарар 9,3 триллион сўмни, яъни ЯИМнинг 4,7 фоизини ташкил этган. Давлатнинг даволаш харажатлари эса бу зарарнинг атиги бешдан бир қисмига тўғри келган. Қолган қисми асосан беморлар ишга чиқа олмагани, касал ҳолда унумсиз ишлагани ва меҳнатга лаёқатли ёшда вафот этгани туфайли бой берилган кўринмас йўқотишлардир. Даволаш харажатлари айсбергнинг сув устидаги учи, холос.

Энди бу рақамни иккинчи миллий дастурдаги мўлжал билан солиштириб кўрайлик. Давлат соғлиқни сақлашга ЯИМнинг 5 фоизини йўналтирмоқчи, касаллик эса 2016 йилнинг ўзидаёқ иқтисодиётдан деярли шунча улушни жимгина тортиб олган. Демак, жамият касаллик учун барибир ҳақ тўлайди. Фақат бу ҳақ бой берилган меҳнат, йўқотилган даромад ва вақтидан олдин узилган умрлар билан тўланади.

Худди шу таҳлилда ибратли хулоса бор. Мутахассислар профилактика чораларига сарфланадиган ҳар бир сўм қанча бўлиб қайтишини ҳисоблаб чиққан. Овқатдаги туз миқдорини камайтиришга йўналтирилган бир сўм беш йилда 8,3 сўм, ўн беш йилда эса 64,8 сўм иқтисодий самара бериши аниқланган. Тамаки истеъмолини камайтириш чоралари ўн беш йилда ҳар бир сўмга 13 сўм, жисмоний фаолликни тарғиб қилиш эса 9,6 сўм наф келтириши ҳисобланган.

Нега айнан туз? Чунки 2014 йилги текширувга кўра, юртимизда катталарнинг кунлик туз истеъмоли тахминан 14,9 граммни ташкил этган. Бу ЖССТ тавсия этган 5 граммдан қарийб уч баробар кўп.

Юрак ва қон томири касалликлари ҳамда диабетни даволашга қаратилган клиник чораларда ҳар бир сўм ўн беш йилда бир сўмга ҳам етмайдиган иқтисодий самара беради. Албатта, бу даволаш қадрини асло камайтирмайди, чунки инсон ҳаётини сақлаш ҳар қандай ҳисобдан устун. Аммо иқтисодий мантиқ равшан. Касаллик бошлангунга қадар киритилган сармоя ундан кейин сарфланадиган маблағдан бир неча баробар самаралироқ.

Ҳамён ҳам “касал” бўлмасин

Касалликнинг яна бир кўринмас қурбони — оила бюджети. ЖССТ ва Соғлиқни сақлаш тизимлари ва сиёсати бўйича Европа обсерваторияси 2022 йилда эълон қилган шарҳда юртимизда соғлиқ учун сарфланаётган жами маблағнинг ярмидан кўпи аҳолининг ўз чўнтагидан тўланаётгани қайд этилган. Жаҳон банкининг 2018 йилги маълумотларга асосланган таҳлилига кўра эса энг кам таъминланган қатламдаги оилаларнинг тахминан 7 фоизи жами харажатларининг чорагидан кўпини даволанишга сарфлашга мажбур бўлган.

Тиббий суғуртанинг асл маъноси ҳам шунда. Суғурта касаллик хавфини бир оила елкасидан олиб, бутун жамиятга тақсимлайди. Соғлом пайтда ҳамма бир қозонга ҳисса қўшади, бетоб бўлганда эса шу қозондан даво олади. Юртимизда давлат тиббий суғуртаси механизмлари Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги қарори асосида дастлаб Сирдарё вилоятида жорий этилган, кейинчалик бошқа ҳудудларда ҳам татбиқ этила бошланган. Иккинчи миллий дастур эса бу ҳимояни ҳар бир хонадонга етказишни кўзлайди.

Оила ҳамёни учун яна бир хушхабар бор. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 19 июндаги қарори билан бирламчи бўғинда давлат бюджети ҳисобидан кўрсатиладиган кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмлари тасдиқланган. Ҳозир шу доирада амбулатор беморларга 69 турдаги дори бепул берилмоқда. Уларнинг сони 2027 йилдан 73 тага, текширувлар тури эса 36 тага етказилади.

Шифокорингиз сизни исмингиздан биладими?

Профилактиканинг асосий майдони маҳалладаги оилавий поликлиника ҳисобланади. Қон босими кўтарила бошлаган ёки қондаги қанд миқдори ошаётган инсонни касаллик асоратга айланмасдан олдин айнан оилавий шифокор аниқлай олади. Давлатимиз раҳбари 2026 йил 27 октябрда тиббиёт ва фармацевтика ходимлари билан ўтказган учрашувда бундай деди: “Доим айтаман, бирламчи бўғин қанча яхши ишласа, халқимиз шунча соғлом бўлади”.

Учрашувда маълум қилинишича, 28 та туманда бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг янги модели синовдан ўтказилиб, 7 миллион аҳоли оилавий шифокорларга шахсан бириктирилган. Янги лабораториялар очилган, шифокор ва ҳамшираларга ўқитилган, беморнинг текширувдан ўтиш ва тиббий ёрдам олиш тартиби аниқ белгиланган. Бу модель 2027 йилдан яна 100 та туманда жорий этилади.

Карелия мўъжизаси. Бу ёндашувнинг кучини Финляндиянинг Шимолий Карелия вилояти исботлаган. Ўтган асрнинг 70-йиллари бошида бу ерда юрак ишемик касаллигидан ўлим дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири эди. Муаммога қарши 1972 йилда бошланган лойиҳада тиббиёт марказлари, мактаблар, жамоат ташкилотлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар бир мақсад сари бирлашди. Ҳамширалар аҳолининг қон босимини мунтазам ўлчаб борди, уй бекалари уюшмаси қишлоқларда 344 марта “узоқ умр кечаси” ўтказди, корхоналар эса туз ва ёғ миқдори кам маҳсулотлар чиқара бошлади. Натижада 2012 йилгача меҳнатга лаёқатли ёшдаги эркаклар орасида бу касалликдан ўлим 82 фоиз, аёллар орасида эса 84 фоиз камайди. Олимлар бу пасайишнинг қарийб учдан икки қисмини хавф омиллари камайгани билан изоҳлайди.

Қоғоз карточкадан сунъий интеллектгача


Профилактика аниқ маълумотга таянади. Шифокор беморнинг аввалги таҳлиллари, ичаётган дорилари ва хавф омилларини бир қарашда кўра олиши керак. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2026 йил 27 октябрдаги мажлисида тиббиётда рақамли технологияларни кенг жорий этиш борасидаги ишлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисида соғлиқни сақлаш вазирининг ахбороти масаласи кўриб чиқилди.

Мажлисда келтирилган маълумотларга кўра, тизимда 20 дан ортиқ функционал модуль ва рақамли хизмат жорий этилган. Бугунги кунда 4 мингта давлат тиббиёт ташкилоти, 6 мингта хусусий клиника, 11 мингта дорихона ва 38 миллиондан ортиқ фуқаро рақамли тизимлар билан қамраб олинган. Шунингдек, 44 миллиондан зиёд лаборатория таҳлили рақамли шаклга ўтказилган, муассасалар учун 96 минг 301 та компьютер ва 43 минг 520 та планшет харид қилинган.

Сунъий интеллект ҳам шифокорнинг ишончли ёрдамчисига айланиб бормоқда. Клиник қарорлар қабул қилишга кўмаклашадиган тизим орқали 6 мингдан ортиқ ҳолат таҳлил қилинган, шифокор ва бемор ўртасидаги 2,5 мингдан зиёд суҳбат эса автоматик равишда матнга айлантирилган. Бундан ташқари, 2026 йил якунигача кардиология ва маммологиядан тортиб, гематологиягача бўлган олтита йўналишда сунъий интеллект тизимларини тўлиқ ёки синов тарзида ишга тушириш белгиланган.

Шу билан бирга, айрим муассасаларда замонавий компьютерлар ҳали ҳам етишмаётгани, ахборот тизимларини ўзаро боғлаш ишлари тўлиқ якунланмагани ҳам эътироф этилди ва вазирнинг бу борадаги ахборотини эшитиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Зеро, тизимлар ўзаро тил топиша олмаса, энг қимматли маълумот ҳам профилактикага хизмат қилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, соғлиқни сақлашга давлат харажатларини ЯИМнинг 5 фоизига етказиш иқтисодий жиҳатдан энг оқилона танловдир. Фақат битта шарт бор. Ҳар бир сўм касаллик сабабига қарши йўналтирилгандагина кўп баробар бўлиб қайтади. Шундай экан, ислоҳот самарасини шифохонага муҳтож бўлмай яшаётган инсонлар сони билан ўлчаш вақти келди. Узоқ умрнинг энг арзон ва энг ишончли дориси эса вақтида кўрсатилган профилактик ёрдамдир.



Нуқтаи назар

ТАЛАБДАН КЎРА ТУШУНТИРИШ, ЖАЗОЛАШДАН КЎРА ХАТОНИ АНГЛАТИШ ЗАРУР

Конун устуворлиги давлат тараққиётининг ҳуқуқий асоси бўлиш баробарида таълим-тарбия тизимининг мустаҳкам таянчи ҳамдир. Чунки қонунни ҳурмат қиладиган, ўз ҳуқуқларини биладиган, бошқаларнинг шаъни, қадр-қиммати ва манфаатини ҳурмат қиладиган инсонни тарбиялаш ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият барпо этишнинг муҳим шартларидан.

Президентимиз мустақиллигимизнинг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қонун устуворлигини умумий қадриятга айлантириш ва ҳуқуқий тарбияни мактабдан бошлаб тизимли йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратган эди.

Бу вазифаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш, уларни таълим-тарбия жараёни билан боғлаш ва ёш авлоднинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бугунги педагоглар, ота-оналар, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик олдида турган долзарб масала. Таълим муассасасида ўқувчи ва талабаларга холис муносабатда бўлиш, уларнинг фикрини тинглаш, билимини адолатли баҳолаш, камситиш ёки тазйиққа йўл қўймаслик қонунийлик ифодасидир. Ўқувчи ва талабаларнинг ҳам белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилиши, ўз вазифасини масъулият билан бажариши ва бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиши муҳим. Демак, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш учун қонунларни билишнинг ўзи етарли эмас. Ҳар бир инсон уларнинг мазмун-моҳиятини англаши, кундалик ҳаётда қонунийлик тамойилларига амал қилиши ва ўз хатти-ҳаракатлари учун масъулиятни ҳис этиши лозим. Бу эса бир кунда шаклланадиган жараён эмас. Бола дастлаб адолат, ҳалоллик, масъулият, бурч ва ўзаро ҳурмат каби тушунчаларни оилада ўзлаштиради. Агар оилада қоидаларга ҳурмат, ўзаро ишонч ва масъулият муҳити қарор топган бўлса, болада ҳам интизом, бурчни англаш ва бошқаларнинг ҳуқуқини ҳурмат қилиш кўникмалари шаклланади. Аксинча, катталарнинг ўзи қоидаларга беписанд муносабатда бўлса, фарзанддан қонунга ҳурматни талаб қилиш кутилган натижани бермаслиги мумкин.

Шунинг учун ҳуқуқий тарбияда насиҳатдан кўра шахсий намуна, қуруқ талабдан кўра тушунтириш, жазолашдан кўра хатони англатиш ва тўғри хулоса чиқаришга ўргатиш муҳим. Бу



жараёнда таълим муассасалари оилада бошланган тарбияни билим ва амалий кўникмалар билан бойитади.

Таълим муассасасида қонунга ҳурмат муҳитини шакллантиришда педагогнинг ўрни беқиёс. Ўқитувчи ўқувчи ёки талабага ҳуқуқ ва бурчлар ҳақида қанчалик кўп маълумот бермасин, агар унинг шахсий хатти-ҳаракатлари ўзи тарғиб қилаётган тамойилларга мос келмаса, тарбиявий таъсир сусайиши мумкин.

Педагогнинг холислиги, адолатлилиги, касбий масъулияти ва ҳар бир таълим олувчига ҳурмат билан муносабатда бўлиши ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг муҳим шартларидан. Масалан, билимни баҳолашда ягона ва аниқ мезонларга амал қилиш, шахсий муносабатни баҳога аралаштирмаслик, ҳар бир талабанинг фикрини тинглаш ва хатога йўл қўйган шахсни камситмасдан тушунтириш адолатли таълим муҳитининг асосий белгиларидир.

Бундай шароитда ўқувчи ёки талаба белгиланган қоидаларга фақат жазодан қўрққани учун эмас, балки уларнинг заруратини англагани учун амал қилишни ўрганади. Натижада ташқи назоратга асосланган интизом аста-секин ички масъулият ва онгли муносабатга айланади. Албатта, бу ёндашув интизом талабларини юмшатиш ёки қоидабузарликларга бефарқ қарашни англатмайди. Аксинча, талабчанлик ва инсонпарварликни уйғунлаштириш, ҳар қандай тарбиявий чоранинг қонуний, холис ва мақсадга мувофиқ бўлишини тақозо этади.

Педагогнинг вазифаси фақат қоидабузарликнинг олдини олиш эмас, балки унинг сабабларини тушуниш, таълим олувчига хатосини англашга кўмаклашиш ва келгусида масъулиятли қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантиришдан ҳам иборат.

Бугунги ёшлар ахборот оқими жадаллашган, рақамли технологиялар ҳаётнинг барча соҳасига кириб келаётган шароитда вояга етмоқда. Интернет ва ижтимоий тармоқлар билим олиш, мулоқот қилиш ва ўз салоҳиятини намоён этиш учун кенг имкониятлар яратмоқда. Айни пайтда бу муҳит шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, кибербуллинг, интернет фирибгарлиги, ёлғон ахборот ва бошқа хавфларга нисбатан ҳушёрликни ҳам талаб этади.

Шундай шароитда ҳуқуқий саводхонликни замонавий ҳаёт талаблари асосида ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ёшлар интернетдан фойдаланишда қонун ва ахлоқ меъёрларига амал қилиш, бошқаларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигини ҳурмат қилиш, муаллифлик ҳуқуқига риоя этиш ва текширилмаган маълумотларни тарқатишдан сақланиш зарурлигини англаши керак.

Ҳуқуқий маданиятнинг муҳим жиҳатларидан бири ўз ҳуқуқини билиш билан бирга бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳам тан олишдир. Фикрни эркин ифода этиш ҳуқуқи бошқа шахсни ҳақорат қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини камситишга асос бўлмайди. Эркинлик масъулият билан уйғунлашгандагина жамиятда соғлом мулоқот ва ўзаро ҳурмат муҳити қарор топади.

Шу сабабли таълим муассасаларида ҳуқуқий мавзуларга бағишланган давра суҳбатлари, мунозаралар, амалий машғулотлар ва ҳаётий вазиятлар таҳлилини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Тайёр хулосаларни тақдим этиш билан чекланмай, ўқувчиларни мустақил фикрлаш, далилларни таққослаш ва қонуний ечим топишга ўргатиш зарур.

Ҳуқуқий тарбиянинг самарадорлиги кўп жиҳатдан оила, маҳалла ва таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорликка боғлиқ. Агар бола таълим муассасасида адолат, интизом ва ўзаро ҳурмат ҳақида билим олса-ю, кундалик ҳаётда бу тамойилларга зид муносабатларга дуч келса, тарбиявий таъсир заифлашиши мумкин.

Энг муҳими, ёшлар билан фақат назорат объекти сифатида эмас, балки ҳуқуқ ва бурчларга эга, жамият тараққиётида фаол иштирок эта оладиган шахс сифатида муносабатда бўлиш лозим.

Таълим сифати дарсликлар, ўқув дастурлари ёки замонавий технологиялар билангина белгиланмайди. Таълим муассасасидаги муносабатлар, бошқарув маданияти, баҳолашнинг холислиги ва ҳар бир таълим олувчи учун яратилган имкониятлар ҳам унинг муҳим таркибий қисмидир.

Қонун устуворлиги таъминланган таълим муҳитида ўқувчиларнинг билим олиш ҳуқуқи ҳурмат қилинади, педагогларнинг касбий фаолияти учун муносиб шароит яратилади ва баҳолашда холис мезонларга амал қилинади. Муаммоларни яшириш эмас, балки уларни қонуний ва конструктив йўл билан ҳал қилишга интилиш кучаяди.

Бугунги мутахассис ўз соҳасини чуқур билиш билан бирга қонун талабларини англаши, касбий этика меъёрларига амал қилиши ва ўз фаолиятининг жамият олдидаги масъулиятини ҳис этиши зарур. Айниқса, педагогика йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун бу талабнинг аҳамияти катта. Зеро, улар келажакда ёш авлоднинг билим ва тарбиясига бевосита таъсир кўрсатади.

Олий таълимда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш учун, аввало, ҳуқуқий билимларни касбий фаолият билан боғлаш лозим. Талабалар ўз соҳаларига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар, касбий масъулият, академик ҳалоллик ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш каби масалаларни амалий мисоллар асосида ўрганишлари керак.



Равшан ИКРОМОВ,
Чирчиқ давлат педагогика университети биринчи проректори

Шунингдек, илмий ва ўқув ишларида академик ҳалолликни мустаҳкамлаш ҳам муҳим. Талабаларни мустақил фикрлашга, ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилишга, турли вазиятларни қиёслашга ва асосланган хулосалар чиқаришга ўргатиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг учун профессор-ўқитувчилар дарс жараёнида мунозара, амалий топшириқ ва муаммоли вазиятлар таҳлилидан самарали фойдаланишлари мумкин.

Ҳуқуқий тарбиянинг самарадорлиги, энг авало, олинган билимнинг ҳаётда қўлланилиши билан белгиланади. Шу боис, таълим жараёнида ҳуқуқий мавзуларни амалий машғулотлар билан уйғунлаштириш зарур. Масалан, “Ҳуқуқ ва бурч: менинг масъулиятим” мавзусида мунозаралар ташкил этиш, турли ҳаётий ҳолатларни гуруҳларда таҳлил қилиш, ҳуқуқий савол-жавоблар ўтказиш ва мутахассислар иштирокида очиқ мулоқотлар уюштириш мақсадга мувофиқ.

Бундай машғулотларда келишмовчиликларни қонуний йўл билан ҳал этиш, интернетда бошқа шахснинг ҳуқуқлари бузилганда қандай йўл тутиш, таълим жараёнида нохолис муносабатга дуч келганда ўз ҳуқуқларини қонуний тарзда ҳимоя қилиш каби масалалар муҳокама қилиниши мумкин.

Ушбу жараёнда ёшлар нафақат ҳуқуқий маълумотларни ўзлаштиради, балки ўз фикрини асослаш, бошқаларни тинглаш, далилларни баҳолаш ва масъулиятли қарор қабул қилишни ҳам ўрганади.

Шунингдек, таълим муассасаларида ҳуқуқий ахборот бурчаклари ташкил этиш, электрон ресурслар рўйхатини шакллантириш ва қонунчиликка оид ишончли манбалардан фойдаланиш бўйича тавсиялар бериш ҳам фойдали. Бунда ахборотнинг долзарблиги ва ишончлилигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ҳуқуқий тарбия натижаларини фақат ўтказилган тадбирлар сони билан баҳолаш тўғри эмас. Асосий мезон ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий вазиятларга муносабати, хулқ-атвори, ўз ҳуқуқ ва бурчларини англаши ҳамда кундалик ҳаётда масъулиятли қарорлар қабул қилиш қобилиятидир.


Ҳуқуқий тарбияни мактабдан бошлаб тизимли йўлга қўйилиши таълим-тарбия соҳаси олдига ҳам муҳим масъулият юклайди. Бу вазифа ёшларга қонунларнинг мазмунини тушунтириш билангина чекланмай, уларда адолат, масъулият, ҳалоллик ва бошқаларнинг ҳуқуқларига ҳурмат туйғуларини шакллантиришни ҳам талаб этади.

Қонун устуворлиги жамиятда адолат ва ишонч муҳитини мустаҳкамласа, таълим ана шу тамойилларни англайдиган ва ҳаётда уларга амал қиладиган шахсларни тарбиялайди. Шу боис, ҳуқуқий тарбияга оила, маҳалла, мактаб ва олий таълим муассасасининг умумий вазифаси сифатида қаралиши зарур.

Педагогнинг адолатли муносабати, ота-онанинг шахсий намунаси, маҳалланинг ҳамкорликка асосланган фаолияти ва таълим муассасасининг шаффоф бошқаруви ёшларда қонунга ҳурмат туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўз ҳуқуқ ва бурчларини англайдиган, адолатни қадрлайдиган ва қонунга ҳурмат билан қарайдиган авлод мамлакатнинг барқарор тараққиёти, жамият фаровонлиги ва келажак ишончининг муҳим таянчи. Шундай экан, таълим ва тарбияда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ҳар бир педагог, ота-она, маҳалла фаоли ва фуқаронинг умумий масъулиятидир. Бу масъулиятни англаш ва амалда намоён этиш орқали ҳуқуқий маданияти юксак, билимли, маънавиятли ва фаол фуқаролик позициясига эга авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш мумкин.

Меҳрли сиёсат



“ИМКОН” МАРКАЗИ – БОЛА ИМКОНИЯТИНИ ОЧУВЧИ БАХТ КАЛИТИ

ИНСОН ким, ИМКОН нима? Изоҳли луғатда инсонга дунёнинг азизу мукаррам хилқати, мавжудотлар ичида сарвари дея таъриф берилади. Шунинг учун ҳам унинг қалбида қанчадан-қанча орзулар, тафаккурида кашф этилмаган оламлар, руҳиятида эса енгиш мумкин бўлган юксак чўққилар яшайди. Инсонни инсон қиладиган ҳам аслида унинг кўриниши ёки жисмоний имкониятлари эмас, балки қалбидаги интилиш, яшашга иштиёқ, ўзини намоён этишга эҳтиёждир.



Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Имкон эса қодирлик, қудрат, яъни бирор иш, мақсад, талаб кабиларни амалга ошириш, юзага чиқариш учун қулай шарт-шароит маъноларини англатади. У нафақат шароит, балки кимдир унга ишонганида, қўллаб-қувватлаганида, ўзини кашф этиши учун йўл очганида пайдо бўладиган куч. Шунингдек, у инсоннинг ҳали рўёбга чиқмаган салоҳиятига берилган ишонч ҳамдир.

Бир қарашда бу сўзларнинг мазмун-моҳиятини оддий тушунамиз. Бироқ йиллар давомида ўша оддий мазмун ҳам ҳаётимизда акс этмади. Азизу мукаррамликни-ку қўяверинг, инсон қадри не эканини қалбан сезмадик, танамизда ҳис қилмадик. Қадримиз бир парча қоғозча бўлмаган пайтларда, қурбимиздан ортиқ юмушларга мажбурланганимизда ич-ичимиздан эзилдик, руҳан синдик.

Бугун эса “Инсон қадри учун” деган ғоя давлатимиз сиёсатининг бош мақсадига айланди. Инсонга имкон бериш, яъни ўша тафаккури, орзулари, руҳиятидаги юксак чўққиларга етиши учун йўл очиш орқали бош мақсадга эришишга интиляпмиз. Илгари бошқача қаралган, фақат боқиманда қатлам сифатида кўрилган ногиронлиги борлар, имконияти чекланганлар ҳам бугун инсонликнинг луғатда таърифланган асл мақомига эришди. Энди ҳатто иқтисодий юксалишни ҳам инклюзив жамият билан боғладик. Аввалги “боқиманда қатлам” ҳам бугунга келиб иқтисодиётнинг бир учини торта бошлади. Керак бўлса, ногиронлиги борлар соғлом одамлар билан баробар меҳнат қиляпти. Уларга иш берган корхоналар, тадбиркорлар қатор имтиёзга эга бўлганини ҳеч эшитганмидик? Аксинча, бундай одамлар иш сўраб борганида, бандлигига кўмаклашиш у ёқда турсин, инсондек муомала ҳам қилинмасди.

Айни пайтда ҳар бир ҳудудда ишлаб турган “Инсон” марказлари эса ҳатто бутун умр ишлашдан умидини узган одамларни ҳам ишли қила бошлади. Бир сўз билан айтганда, бугун инсон қадри давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган мамлакатимизда алоҳида эътиборга, меҳрга муҳтожларнинг ҳеч бири ўз ҳолига ташлаб қўйилмаяпти. Агар уларнинг ўзи мурожаат қилмаса, маҳаллалардаги ижтимоий ходим орқали бу борадаги ўзгаришлар ҳар бир хонадонга кириб боради.

Давлатимиз катта ишонч билдираётган ижтимоий ходимлар маҳалладаги ҳар бир оилани яқиндан танийди. Улар воситачилигида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг энг эзгу ишлари самараси ўлароқ, ҳудудларда очилаётган “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, “Имкон” марказлари ногиронликдан азият чекаётган оилаларга беминнат ёрдам беради. Зеро, биргина шундай фарзанди бор она ҳам уйга боғланиб қолиши, ҳеч жойда ишлай олмаслигига изоҳ керакмас. Токи бундай оналарнинг ҳам кўксига шамол тегсин. Улар ҳам ўзини ўйлашга вақт топсин. Ишлашни истаса, ишласин. Оғири енгил бўлишини тасаввур ҳам қилмаган оналар руҳан тетиклашиб, жамиятнинг фаол аъзосига айлансин. Уларнинг ногиронлиги бўлган дилбандлари эса профессионал реабилитация хизматлари орқали соғломлашсин ва ижтимоий ҳаётга мослашсин. Аслида, ҳақиқий тараққиёт жамиятнинг энг илғор қатлами қаерга етиб боргани билан эмас, балки энг кўп кўмакка муҳтож инсонни қай даражада юксалтира олгани билан белгиланади.

Катта ислоҳотлар баъзан битта боланинг илк мустақил қадамида, илк сўзида, ўз тенгдошлари қаторида таълим олиш имкониятига эга бўлишида кўринади. Давлат сиёсати инсон ҳаётига мана шундай кириб боради. Хусусан, “Имкон” марказларида тарбияланаётган, парваришлаётган болалардан 350 нафари дастлабки мустақил қадамини ташлади. Тўғри, бу кўрсаткич кичик рақамдек. Бироқ ҳар бир инсон жамият учун бир инвестиция, 38 миллион нуфусдан зиёд халқнинг бир зарраси эканидан келиб чиқсак, айтарли натижа. Тасаввур қилинг: бу 350 хонадонда янги ҳаёт бошланди дегани. Ташланган ҳар бир мустақил қадам бутун оиланинг руҳини кўтаради, мақсадини ўзгартиради.

1300 дан ортиқ бола кўриш ва гапириш бахтига эришди. Бу ҳам мана шунча хонадондан зулмат ариб, ёруғлик ингани ифодасидир. Ёруғ оламни кўрмаётган фарзанди бор ота-оналар буни чуқур ҳис қилади. Зеро, улар кўзи очиқ эса-да, дунёнинг рангини кўрмайди. Эркалаб суйганини эшита олмайдиган дилбанди қаршисида бахтнинг жаранги қулоғига кирмайди. Қалбларига



китоб ушлаяпти. Ҳар бир шахс жамиятнинг фаол аъзосига айланиши мумкинлигини кўрсатиш йўлидаги эзгу ҳаракатлар алоҳида марказлар фаолиятида ҳам натижа бера бошлади.

Ногиронлик четда қолишга сабаб бўлмаслиги керак

Самарқандда иш бошлаган “Имкон” маркази Нукус, Қарши, Қибрай ва Навоийдаги марказлардан кейин бешинчиси бўлди. Унинг очилиш маросимида мамлакатимизнинг биринчи хоними ҳамда яна бир қанча давлат раҳбарларининг рафиқалари иштирок этди. Жаҳон саммити доирасида иш бошлаган марказ кўплаб хорижий оммавий ахборот воситалари эътиборини тортди. Хусусан, Буюк Британиянинг “London Post” ахборот порталида болалар фаровонлигига инвестициялар бўйича халқаро саммит ҳақида мақола чоп этилди. Унда “Имкон” маркази фаолияти ҳақида ҳам сўз боради. Шунингдек, дунёга машҳур “The Associated Press”, “Euronews” ҳам Ўзбекистоннинг болаларни қўллаб-қувватлашга доир ташаббусларини алоҳида эътироф этиб, кўп тармоқли янги реабилитация маркази ҳақида маълумот берди.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, бугун дунёда қарийб 240 миллион ўғил-қиз — ҳар 10 боладан бир нафари ногиронликнинг турли шакллари билан яшар экан. Уларга муносабат фақат парваришлаш ёки даволаш билан чекланмайди. Марказий Осиё мамлакатларидан тортиб, илғор давлатларда ҳам асосий эътибор боланинг жамиятда тенг ҳуқуқли яшаши, таълим олиши, мустақил яшаш кўникмаларини эгаллаши ва ўз қобилиятини намоён этишига қаратилади. Бу борада, айниқса, Скандинавия давлатлари, Италия, Канада ва Австралия тажрибаси эътиборга лойиқ. Ривожланган мамлакатларда шароит боланинг имкониятига қараб ўзгаради. Мактаб, жамият, оила, ҳатто шаҳар муҳити ҳам унинг эҳтиёжларига мослашади.

Бугун мамлакатимизда ногиронлиги бўлган болаларга муносабатни ўзгартириш, уларни фақат ижтимоий ҳимоя объекти эмас, балки ўз орзу-истаклари, қобилияти, салоҳияти ва келажагига эга бўлган тўлақонли шахс сифатида эътироф этишга қаратилган ёндашув қарор топмоқда. Бу эса шунчаки ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш эмас, балки инсонга, унинг қадрига ва жамиятдаги ўрнига бўлган қарашларнинг ўзгаришидир. Зеро, инсонга имконият бериш унинг тақдирига бефарқ бўлмасликдир. Боланинг бугунги қийинчилиги ортида эртанги кунини кўра билиш, унинг ҳали намоён бўлмаган қобилиятига ишониш, ота-онасига ёлғиз эмаслигини ҳис эттириш — давлат ва жамият зиммасидаги улкан масъулият. Аслида, инсонпарвар давлатнинг моҳияти ҳам шунда: у фақат кучлиларнинг имкониятларини янада кенгайтирмайди, балки имконияти чекланганларнинг ҳам ҳаётда ўз ўрнини топиши учун зарур шароитларни яратади. Чунки ҳеч бир боланинг келажаги унинг бугунги имкониятлари билан чегараланиб қолмаслиги, ногиронлик ҳаётдан четда қолиши учун сабаб бўлмаслиги керак.

Болажонлар юрагини кимлар ёки нималар забт этяпти?

“Имкон” марказларида алоҳида парваришга муҳтож бўлган 2 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга реабилитация хизмати кўрсатилади, таълим берилади ва ижтимоий мослаштирилади. Самарқанддаги марказда ҳам иккита — 10,5 ва 24 соатли гуруҳлар мавжуд. 10,5 соатли гуруҳлардаги болалар эрталаб келиб, кечқурун уйига кетади. Узоқдан қатнайдиган болалар эса душанба куни келиб, жума куни уйига қайтади. Дефектолог, психолог, физиотерапевт, офтальмолог каби 130 мутахассис болаларни соғломлаштириш билан банд.

Марказ раҳбари Нигина Муродовадан бизни ота-оналар билан гаплаштиришини сўрадик. Исмини сир тутишимизни сўраб, “Боламнинг овозини эшитишни орзу қилардим”, дея гап бошлаган онанинг фарзандида марказдаги машғулотлардан кейин илк сўзлар, илк мулоқот, илк мустақил ҳаракатлар бошланган. Онаизор шу пайтгача умуман гапирмаган, атрофдагилар билан мулоқотга киришмаган фарзандининг лоақал битта сўз айтишини, “она” дейишини орзу қилиб яшаган. Илк бор шу сўзни айтган куни аёл ўзини дунёдаги энг бахтли она деб билди.

— Мен ҳам энди она сифатида қайғуришнигина эмас, яшашни бошладим, — дейди суҳбатдошимиз. У шу кунга қадар ўз ҳаётини, орзуларини, ҳатто оддий эҳтиёжларини ҳам унутиб қўйганди. Марказда бола билан тизимли ишлаш бошлангач, онада ўз келажагига ишонч уйғонди. У энди фарзандидаги ўзгаришлардан қувонади, ўз ҳаётини ҳам давом эттиради.

Церебрал фалажлик (ДЦП) ташхиси қўйилган 6 ёшли Исмоилжон Холиқуловнинг отаси Жамшид Қиличев фарзанди аввалига марказга жойлашгунича ўтган кунларини эслашни ҳам истамади.

— Чунки на менда, на онасида ҳаловат бор эди. Мен-ку кечга қадар боланинг ёнида бўлмайман, бироқ қўлим ишда, хаёлим уйда, ўз тақдири билан олишаётган боламда эди, — дейди у. — Ҳар куни ишдан чарчаб келиб уни кўраман-у, чарчоғим, хавотирим минг чандон ортарди. Ўзи истаган, кўнгли тусаган нарсани атрофга тушунтира олмайдиган, бунинг учун бутун танасини ишга солиб қийналадиган фарзандим учун юрагим эзилиб, бир нуқтага тикилганча ўтириб қолардим. Ўша нуқтадан нариги ёғи кўринмас, фарзандимнинг келажаги қандай бўлишини тасаввур ҳам қилгим келмасди. Ишдан келса, болалари югуриб кутиб оладиган, соғлом хархашаси билан чарчатадиган оталар қанчалар бахтли эканини ҳис қиламан. Тўғри, менинг ҳам қолган фарзандларим соғлом. Бироқ учовининг кулгиси шу бир боланинг қайғусини боса олмасди. Марказ очилганини эшитиб, ўғлимни олиб келдим. Тарбиячиларига қаттиқ боғланиб қолди. Ҳатто шанба кунлари акасини хусусий боғчага олиб кетсам, онасига “Мени ҳам боғчамга олиб боринг”, деб хархаша қилар экан. Бола ҳақиқий меҳрни билади. Кимдир дилини оғритса, ундан безади, қочади. Айниқса, менинг фарзандим шундай — ўзини хафа қилган одам билан қайтиб гаплашмайди. Бу ердаги ходимларнинг ҳаммаси меҳрибон, фарзандларимизни ўз боласидек кўради. Шунинг учун бўлса керак, Исмоилжон ҳар куни бу ерга шошади. Фарзандимиз бу қадар ишончли қўлларда, шундай ажойиб маскан да улғайиши, соғломлашиши ҳеч ҳам хаёлимизга келмаган. Бунақанги шароитни уйда яратиб бўладими? Ҳеч қачон. Яна ҳаммаси бепул, аслида, пулга ҳам бундай муҳитни топа олмайсиз. Шунинг учун ҳам эгизаклар парвариши билан чарчаётган аёлим, ўзим, қолаверса бутун оиламиз номидан “Имкон” маркази ташаббускорларига миннатдорлик билдираман.

Бу самимий фикрлардан бири. Ҳамсуҳбат бўлган ота-оналарнинг барчаси қайғули ҳикоядан сўнг шу йўсинда миннатдорлигини билдирди. Зеро, чиндан ҳам “Имкон” маркази уларга кутилмаган имкониятларни рўбарў қилди. Заиф кўрувчилар учун келтирилган аппарат ёрдамида боланинг хоҳишига қараб, дастур орқали ўзига ёқадиган фильм, мультфильм, мусиқа қўйилади. Яшил ёзувлар бола кўраётган ҳолатда ёнади, қизил ёзувлар эса кўра олмаётган ҳолатида ўчади. Тиббий жисмоний тарбия залидаги барча ускуналар айнан ҳаракат-таянч бўйича, масалан, ривожланишида нуқсони бор болаларга қаратилган. Умуман олганда, марказни болаларнинг чинакам сиҳатгоҳи, соғлом ҳаёт маскани дейиш мумкин.

“Имкон”га қабулнинг тартиб-қоидалари

Нигина Муродованинг айтишича, ногиронлиги бўлган боласини “Имкон” марказига жойлаштириш учун ота-оналар “Инсон” маркази ёки маҳалладаги ижтимоий ходимга мурожаат қилиши керак. Тиббий комиссия куни белгилангани ҳақида ота-онага хабар юборилади. Йўлланма тиббий кўрик хулосасига асосан берилади. У “Имкон” марказигагина эмас, бошқа мактабгача таълим ташкилотига бўлиши ҳам мумкин. “Имкон” марказига йўлланма олган оналар марказга мурожаат қилади. Марказнинг мактабгача таълим ташкилотига 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган ўғил-қизлар, реабилитация марказига эса махсус таълим эҳтиёжлари мавжуд 2 ёшдан 18 ёшгача бўлганлар қабул қилинади.

Марказлар ҳали барча ҳудудда йўқлиги боис, уларга яқин қўшни вилоятлардан келадиган болалар ҳам талайгина. Айни пайтда Самарқанддаги “Имкон” марказига Навоий, Жиззах вилоятларидан болалар қабул қилиняпти. 150 ўринли МТТга қарийб 80 ўғил-қиз қатнаяпти. Демак, бўш ўринлар бор, имкон бор.

Бутун жамият соғломлашади

Аслида, давлатнинг буюклиги унинг фақат иқтисодий қудрати, ҳарбий салоҳияти ёки бунёдкорлик кўлами билан белгиланмайди. Унинг ҳақиқий қиёфаси жамиятдаги энг заиф, энг кўп кўмакка муҳтож инсонга муносабатида акс этади. Чунки тараққиётнинг энг юксак мезони ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик, ҳеч бир инсонни ўз тақдири билан ёлғиз ташлаб қўймасликдир. Бугун кўплаб мамлакатларда инсоннинг инсонлигини рўёбга чиқаришга имкон берадиган тинчлик деган неъмат йўқ. Улар ҳеч қандай марказлар, таълим ҳақида ҳам ўйламайди. Улар харобалар остида тонг оттиришу боласини ўз қучоғида омон сақлаб қолиш билан овора. Бир бурда нон, бир қултум сувга зор, уст-боши кир, оёқ яланг юрган болалар реабилитация хизматию инклюзив таълимни хаёлига ҳам келтираётгани йўқ. Бундай болалар учун қорнини бир маҳал тўйдириб олиш ҳам орзу-бахт бўлиб турибди.

Дунёдаги бу манзаралар бизга яна бир ҳақиқатни эслатади: инсон қадри шунчаки баландпарвоз шиор эмас, у тинчликда, хотиржамликда, эртанги кунга ишончда, энг муҳими, ҳар бир инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун яратилган имкониятларда намоён бўлади.

Минг шукрки, юртимизда тинчлик, хотиржамлик ҳукмрон, давлат фуқаролар билан бирга. Айрим мамлакатлар юқоридагидек аянчли манзаралар иштирокчиси бўлиб турган бир пайтда “Имкон” ва “Умид” каби ихтисослаштирилган ташкилотларнинг очилиши мамлакатимиз ижтимоий тизимида янги даврни бошлаб берди десак, хато бўлмайди. Чунончи, шу пайтга қадар мактабгача коррекцион таълим, тиббий, психологик ва ижтимоий-педагогик қўллаб-қувватловни бир жойда жамлаган ягона тизим мавжуд эмас эди. Шу боис, “Имкон” маркази болани илк ривожланиш давридан вояга етгунига қадар узлуксиз кузатиб бориш ва қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётгани билан ота-оналарга қулайлик келтиряпти. Юқорида рақамлар мисолида таҳлил қилганимиздек, улар ташкил этилиши билан хонадонларга янги ҳаёт, бахт ва қувонч киряпти. Бугун қаршилик, нукуслик, қибрайлик, навоийлик ва самарқандлик ота-оналар туйиб турган чинакам миннатдорлик ҳисси яқин келажакда Фарғона, Наманган ва Тошкент вилоятига ҳам кўчади. Эндиги навбатда ушбу ҳудудларда ҳам “Имкон” реабилитация марказларини ташкил этиш режалаштирилган. Бу энг эзгу ҳаракат, хайрли амалдир. Бинобарин, гувоҳи бўлганимиздек, “Имкон” марказлари шунчаки реабилитация муассасалари бўлиб қолмай, юзлаб оилалар учун умид, ишонч ва янги имкониятлар масканига айланаётир.

Ҳар бир янги марказнинг очилиши алоҳида эҳтиёжли 150 нафаргача болани мактабгача таълим билан қамраб олиш имконини беради. Ташкилотчилар ҳисоб-китобларига кўра, ҳар йили тахминан 1000-1200 бола реабилитация хизматларидан фойдаланиши мумкин. Бу эса минглаб тақдирларга янгилик, оилаларга фаровонлик кириши билан аҳамият касб этади.

Марказлар ҳали барча ҳудудда йўқлиги боис, уларга яқин қўшни вилоятлардан келадиган болалар ҳам талайгина. Айни пайтда Самарқанддаги “Имкон” марказига Навоий, Жиззах вилоятларидан болалар қабул қилиняпти. 150 ўринли МТТга қарийб 80 ўғил-қиз қатнаяпти. Демак, бўш ўринлар бор, имкон бор.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази директори Қобулжон Аҳмедовга падари бузруквори

Холиқ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1146.
29189 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиҳ: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
ЎзА якуни — 20:55 Топширилди — 23:20